

HISTORY OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTON TARIXI

2/2019



МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ш. Махмудов	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
Ш. Рахматуллаев	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
Д. Ҳайдаров	Самарқанд давлат университети таянч докторанти.
Д. Алимова	ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, т.ф.д., профессор.
Д. Раджабова	ЎзР ФА Тарих институти докторанти, т.ф.н.
С. Анаркулов	ЎзМУ Тарих факультети таянч докторанти.
Н. Кариева	ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти.
М. Азимбаев	ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
Н. Қенжаева	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси.

Муқовада: Аёл боши қисми. Лойдан ясалган, бўёкли. IV–V асрлар. Куёв кўргон. ЎзР ФА Археология институтида сақланади. Самарқанд.

На обложке: Женская голова. Глина с окраской. IV–V вв. Куев-курган. Хранится в Институте археологии АН РУз. Самарканد.

R 617

J

Alisher Navoiy
nemidagi
O'zbekiston MK



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

**2
2019**

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to 'rt marta
chiqadi.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Эндижон
№

Ш. Махмудов. Кўкон хонлиги бош вазири
Алиқули Амирлашкарнинг фаолиятига доир янги
мальумотлар 3

Ш. Рахматуллаев, Д. Ҳайдаров. XX – XXI аср
бошларида Ўзбекистонда урбанизация жарабёнлари:
киёсий таҳлил 15

Tarixda шахслар

Д. Алимова. Саидғани Саидзимбоев ва унинг
хаж зиёратчилари ҳётини енгиллаштиришга оид
лойиҳаси 32

Tarixchiunoслик

Д. Раджабова. Н.И.Веселовскийнинг Хива хонлиги
тарихига қарашлари 49

С. Анаркулов. Замонавий шаҳар масаласига оид
этнологик назариялар таҳлили 59

Ёш тадқиқотчи минбари

Н. Карниева. XIX асрнинг биринчи ярмида
Ўзбекистон худудида олиб борилган географик
тадқиқотлар 73

М. Азимбаев. Мустамлака даврида Туркистон гене-
рал-губернаторлигининг анъанавий таълимга доир
давлат сиёсатининг ўрганилиши 87

Н. Қенжәева. Помир экспедицияси: шаклланиши ва
дастлабки босқичлари (1924–1929 йиллар) 98

СОДЕРЖАНИЕ

Ш. Махмудов. Новые сведения о деятельности главного визиря Кокандского ханства Аликули Амирлашкера 3

Ш. Рахматуллаев, Д. Хайдаров. Урбанизационные процессы в Узбекистане в XX – начале XXI века: сравнительный анализ 15

Личности в истории

Д. Алимова. Саидгани Саидазимбаев и его проект облегчения жизни паломников, совершивших хадж 32

Историография

Д. Раджабова. Взгляды Н.И.Веселовского на историю Хивинского ханства 49

С. Анаркулов. Анализ этнологических теорий по вопросу современного города 59

Трибуна молодого исследователя

Н. Кариева. Географические исследования на территории Узбекистана в первой половине XIX века 73

М. Азимбаев. Изучение государственной политики Туркестанского генерал-губернаторства в сфере традиционного образования в колониальный период 87

Н. Кенжава. Начальный этап развития экспедиционных исследований на Памире (1924–1929 годы) 98

Тахрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Сурайё Каримова
(бош мухаррир ўринбосари)
Равшан Абдуллаев
Бахром Абдухалимов
Мирурэт Абусентова
(Қозогистон)
Адҳам Аширов
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсадик Исхоков
Марианна Ками (АКШ)
Татьяна Котюкова
(Россия)
Шашн Мустафаев
(Озарбайжон)
Нодира Мустафаева
Азимхўжа Отахўжаев
Катрин Пужоль
(Франция)
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ртвелаձե
Валерий Хан
(бош мухаррир ўринбосари)
Нозим Ҳабибуллаев
Флориан Шварц
(Австрия)
Темур Ширинов
Шоира Асадова
(масъул котиби)

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз 5-тор кӯчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди
00.00.2019.
Босишига руҳсат этилди
00.00.2019.
Коғоз бичими 70x100^{1/16}.
Таймс гарнитура.
Офсет босма. Офсет коғози.
Хисоб-нашриёт т. 5,25.
Шартли босма т. 5,0.
150 нусха.
Буюртма № 621.
Келишилган нарҳда.

«NISO-POLIGRAF» МСН
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент в., Машъъал маҳалласи,
Марказий кӯчаси, 1-үй.

хисоби чирада салбати ташкинига ишлаб чиради. Биринчи ойнинг боришидан кийин шахсий мурасидан салбати ташкинига ишлаб чиради. Таронада ташкинига ишлаб чиради. Шахсий мурасидан салбати ташкинига ишлаб чиради. Таронада ташкинига ишлаб чиради. Таронада ташкинига ишлаб чиради. Таронада ташкинига ишлаб чиради. Таронада ташкинига ишлаб чиради.

Ш. МАХМУДОВ

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БОШ ВАЗИРИ АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

XIX аср ўргаларига келиб Қўқон хонлигининг сиёсий ҳётида кескин воқеалар рўй берди, бу ҳол давлатнинг ташқи сиёсат борасида фаол ҳаракатлар олиб боришига, дипломатик алокаларни янада жонлантиришга унади. Бир томондан, ички низолар оқибатида давлатнинг сиёсий инкирозга юз тутиши, иккинчи томондан, Россия империясининг хонликнинг шимолий худудларига ҳарбий ҳаракат уюштириши аҳволнинг янада мураккаблашувига олиб келди. Қўқон хонлигидаги ана шундай таҳликали бир вазиятда ҳокимият тепасига Алиқули амирлашкар сиёсий етакчи сифатида чиқиб келди. 1863–1865 йилларда Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳётида ўчмас из қолдирган лашкарбоши, давлат арбоби Алиқули амирлашкар ўзига хос тарихий шахс хисобланади. Сўнгги 20 йил давомида тариххи олимлар томонидан Алиқули амирлашкарнинг шахси ва унинг фаолиятига оид тадқиқотлар олиб борилди ҳамда даврий нашрларда атрофлича маълумот ва ахборотлар ёритилди¹.

Мулла Алиқулининг тарихий портрети

Алиқули амирлашкар ҳақидаги сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар унинг шахсига оид янги маълумотларни илмий муомалага киритилиши орқали Қўқон хонлиги сиёсий ҳётида муҳим ўрин тутган бу давлат арбобининг муайян тарихий портретини яратишга имкон беради. Қўқон хонлигига бош вазир – мингбоши вазифасида фаолият юритган бу шахснинг исми айрим қўлёзма манбалар асосида Олимкул ёки Алимкул, Мулла Алимкул деб қайд этилганлиги боис ҳам XX аср охири-

¹ Зиёев X. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XIX – XX аср бошлари). Тошкент: Шарқ, 1998. 476 б.; Юсупов Ш. Ҳуфия катламлар. Тошкент: Маънавият, 1999. 142 б; Ўша муаллиф. Тарих ва адаб бўстони. Тошкент: Маънавият, 2003. 167 б.; Илхомов З.А. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди ... дис. Тошкент, 2004.; Ўша муаллиф. Амирлашкар тарихи. Тошкент, 2008. 132 б.

га қадар тарихчилар томонидан дарсликлар, илмий асарларда шу тарзда қайд этиб келинган. Илк бор Ш. Вохидов ҳамда Д. Сангирова томонидан нашрга тайёрланган Мухаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асарини изоҳлар кисмида ўша даврга қадар “Алимкул” деб юритилган шахснинг ҳакикий исми “Мулла Алиқули” эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари суриласди². З. Илҳомов Алиқули амирлашкарнинг Кўқон хонлиги тарихидаги ўрни ҳақидаги тадқиқотида, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сакланаётган мансабга тайинланишга доир бўлган ёрлик асосида амирлашкарнинг исми Алиқули деб қайд этилганини яна бир бор исботлайди³. Лекин, Кўқон хонлиги тарихига доир кейинги тадқиқотларда бу тарихий шахс исми “Алимкул” шаклида қўлланиб келинаётганини ҳам кузатиш мумкин⁴. Тарихчи Р. Арслонзода эса Мулла Алиқулига нисбатан барчага маълум бўлган “Алимкул” исмини қўллаш фикрини илгари суради. У бунга “Туркестанский сборник”даги мавзуга доир айрим мақолаларни асос қилиб кўрсатади⁵. Бу борада тарих фанида сўнгти йилларда бирламчи манбалар асосида эришилган илмий натижаларга эътибор қаратиш лозим, деб хисоблаймиз.

Алиқули амирлашкарнинг шахсиятига ойдинлик киритиш мумкин бўлган айрим маълумотлар Мухаммад Юнусжон Тойибининг “Тарихи Алиқули амирлашкар” ҳамда Аваз Мухаммад Атторнинг “Тұхфат ат-таворихи хони” асарларида қайд этилади. Мухаммад Юнусжон “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарини ёзишидан мақсади сифатида Алиқули амирлашкарнинг фаолиятини хотира китоб бўлишигини асарнинг муқаддимасида таъкидлаб ўтади. Муаррихлар Аваз Мухаммад Аттор ва Мухаммад Юнусжон шифовулларнинг кўрсатишича, Алиқули амирлаш-

² Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчилар Ш. Вохидов, Д. Сангирова. Тошкент: Маънавият, 1999. 110-бет.

³ Илҳомов З. Алиқули амирлашкар // O'zbekiston tarixi. 1999. № 3. 26-бет.

⁴ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul / A native chronicle of nineteenth century Central Asia. Edited and translated by Timur K. Beisembiev. London. 2003. P. 5.; Бабаджанов Б. Кокандское ханства: власть, политика, религия. Ташкент; Токио: Янги нашр, 2010. 259–262-бетлар; Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.) – Москва: 2014. 197–200-бетлар; Levi S. The Rise and Fall of Khoqand 1709–1876. Central Asia in the global age. Published by the University of Pittsburgh Press, 2017. P. 193–196.

⁵ Арслонзода Р. Образ Алимкула амирлашкара на страницах «Туркестанского сборника» // “Фарғона водийсининг XVIII–XXI асрлардаги тарихини тадқик этишда ёзма, босма манбалар ва улардан фойдаланиш муаммолари” мавзусидаги халкаро илмий конференция материаллари. 11 май, 2018 йил. Андижон шаҳри, 69–75-бетлар.

кар тахминан 1830–1831 йиллар орасида таваллуд топган⁶. Отасининг исми Ҳасанбий, онасининг исми эса Шаҳрибону бўлган. Муҳаммад Юнусжон Тоиб уни Кўқон уездига қарашли Нойғут⁷ волостининг Бужун Баткан⁸ мавзеида туғилганлигини кўрсатади⁹. Муаррих Аваз Муҳаммад Аттор эса Аликулининг ватани Қорасув¹⁰ бўлганлигини қайд этади¹¹.

Манбаларда зикр этилган айрим маълумотларга кўра, Алиқули 2 ёшлигига отасидан етим қолади ва 6–7 ёшга киргунга қадар тоғаси Мулла Дўст охуннинг кўлида тарбия олиб, дастлабки хат-саводини чиқаради. Мулла Алиқули кейинчалик Андижон шаҳридаги Оқмасжид мадрасасида ҳам 2 йил таълим олади. “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида кўрсатилишича мадраса таълимидан сўнг у Маҳдум ҳожи раисдан¹² сабоқ олиш учун Кўқонга келади. “Тухфат ат-таворихи хони” асарида эса Мулла Алиқулини отаси Андижон муҳтасибига таълим олиш учун шогирдликка берганлиги, 3–4 йил илм ўргангандан сўнг у ушбу муҳтасиб томонидан *гиранда*¹³ лавозимига тайинлангани қайд этилади. Бу ўринда ҳар икки асарнинг маълумотлари бир-бирини инкор этишини кўриш мумкин. Яъни, “Тарихи Алиқули амирлашкар”да Мулла Алиқулининг 2 ёшлигига отаси Ҳасанбийнинг вафот этилганлиги ва тоғасининг кўлида тарбия топганлиги каби маълумотлар “Тухфат ат-таворихи хони” асарида келтирилган маълумотлар билан бир-бирига қарама-қарши характеристика эгалигини кузатиш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳар икки асар муаллифлари ҳам Мулла Алиқулининг кейинги таълимни муҳтасибдан олганлиги борасида бир хил фикрдалар. Уларнинг бу шахс ҳакидаги ушбу маълумотлари Мулла Алиқули тарихий портретини яратишда муҳим аҳамиятта эгадир.

⁶ Илхамов З. Алиқули Амирлашкар и его место в политической истории Кокандского ханства. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Тошкент, 2004. 15-бет.

⁷ Найғут-Қипчок волости хозирги Қирғизистон Республикасининг Баткен области худудида бўлган. Каранг: Список населенных мест Ферганской области. г. Скобелев, 1909. 56-бет.

⁸ Бужум Баткен овулининг Бужун мавзеси: Каранг: Список населенных мест Ферганской области. г. Скобелев, 1909. 56-бет.

⁹ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London: 2003. P. 18.

¹⁰ Қорасувнинг бир кисми Андижон вилоятига бир кисми эса Қирғизистон Республикасига тўғри келади.

¹¹ Аваз Муҳаммад Аттор. Тухфат ат-таворихи хони. ЎзРФА ШИ. Қўлёзма № . 320 б варак.

¹² Бу муҳтасиб лавозими бўлиб, Ўрта Осиё хонликларида раис деб юритилган.

¹³ Аваз Муҳаммад Аттор. Тухфат ат-таворихи хони... 320 б варак.

Мулла Алиқули 18 ёшга тўлгунга қадар Маҳдум хожининг кўл остида илм олади. “Тухфат ат-таворихи хони” ва “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарларида қайд этилишича у Тоғайкул¹⁴ доддохнинг кўл остида ҳарбий ишларга (сипохи) ҳам жалб этилади.

Лавозимлар пилланояси

Муаррихларнинг қайд этишича, Андижон ҳокими Сўфибекнинг тўй маросимига келган Маллахон (1858–1862)га Мулла Алиқули навкар бўлиб хизмат қиласди. Ушбу хизмат вақтида Мулла Алиқули Маллахоннинг эътиборига тушади ва шу тариқа унинг маҳсус кўриқчисига айланади.

Аваз Муҳаммад Атторнинг ёзишича, Маллахон ўз акаси Худоёрхонга муҳолиф бўлиб, Кўкондан Андижонга қочиб келган вақтда уни Мулла Алиқули кирғизларнинг *сувсамир*¹⁵ қабиласининг етакчиси бўлган Пўлодбий билан таниширади¹⁶. Пўлодбий қирғиз, кейинчалик, Мулла Алиқулининг кирғиз-қипчок уруғи ҳам Маллахон тарафдори бўлишади. Сиёсий жараёнларнинг силсиласида Мулла Алиқулининг ҳам хизмат пилланояларидан кўтарилиб борганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Маллахоннинг Кўкон тахтига чиқишида Мулла Алиқулининг хизмати катта бўлганлиги боис унга дастлаб эшикоғаси ва мири понсад унвони берилади¹⁷. Мазкур лавозимлар билан бир қаторда Мулла Алиқули Чимён ноҳиясининг ҳокимлигига раҳбар этиб ҳам тайинланади. Кейинчалик эса у Маллахон томонидан Марғилон ҳокимлигига тайинланади¹⁸. Мулла Алиқулининг Марғилон ҳокими лавозимига тайинланиши унинг Кўкон хонлиги давлат бошқарувидаги сиёсий мавқеининг ошиб борганлигини кўрсатади. Чунки, Марғилон ҳокимлигининг мавқеи хонликнинг бошка маъмурий бирликларига нисбатан юқори бўлган. Ҳатто бальзи даврларда Марғилон ҳокимлиги шахзодаларнинг давлат бошқаруви тажрибасини ошириш учун хизмат қилган тарихий макон вазифасини ўтаган¹⁹. Шу билан бирга у пойтахтга яқинлиги билан бошка вилоят

¹⁴ Тоғайкули доддох Алиқули амирлашкарнинг опасини турмуш ўртоғи бўлган.

¹⁵ Сувсамир – жой номи бўлиб, ҳозирги Чуй вилоятида жойлашган водий хисобланади. Сувсамирга асосан қирғизлар ёз мавсумида чорва ҳайвонлари билан келиб яшаган. Киш мавсумида эса бу ерда аҳоли истиқомат килмаган. Аваз Муҳаммад Аттор “Тухфат ат-таворихи хоний” асарида қирғизларнинг сувсамир қабиласи деб қайд этади. Балки муаррих Аваз Муҳаммад Аттор Сувсамир водийсида чорва бокиши учун чиккан кирғизларни Сувсамир қабиласи деб тушунган бўлиши мумкин.

¹⁶ Аваз Муҳаммад Аттор. Тухфат ат-таворихи хони... 320 б варак.

¹⁷ Аваз Муҳаммад Аттор. Тухфат ат-таворихи хони...321 а варак.

¹⁸ Ўша жойда. 321 а варак.

¹⁹ Умархон Кўкон тахтига ўтиргунга қадар Марғилон вилоятининг ҳокими бўлган эди.

ҳокимларни ичидаги энг юқори мавқега эга бўлган маъмурий-сиёсий бирлик саналган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мулла Аликулининг Марғилон ҳокими лавозимига тайинланганлиги ҳақидаги маълумотлар “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида қайд этилмайди.

1862–1863 йиллар оралиғида Кўқон таҳти учун кураш яна авж ола бошлади. Шоҳмуродхон (1862) ўрнини эгаллаган Худоёрхон (1862 й. иккинчи ҳукмронлиги) ҳукмронлигидан собиқ саркардалар Шодмонхўжа мингбоши ва Мулла Алиқули норози эдилар. Чунки Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлиги (1845–1858) даврида юзага келган тартибсизликларга чек кўйиш максадида Маллахон таҳтни айнан шу саркардаларнинг кўмаги билан эгаллаган эди. Шу сабабли Худоёрхоннинг яна таҳтга ўтириши Шодмонхўжа ва Алиқули учун нафакат ҳокимиятдан қувилиш, балки тез орада уларнинг қатл килинишини хам англатар эди. Бу ҳолат уларни янги ҳукмдорга карши курашга ундади. Натижада, сиёсий мағлубиятга учраган Худоёрхон яна Бухорога қайтишга мажбур бўлади.

Мулла Алиқули ҳамда бир қатор юқори мавқега эга бўлган мансабдорлар Марғилон вилоятининг маъмурий маркази бўлган Ёрмозор кўргонида мажлис ўтказиб, Маллахоннинг ўғли Султон Сайдхон (1863–1865)ни Намангандан олиб келиб, хон килиб кўтарадилар²⁰. Мажлис иштирокчилари Марғилон, Андижон, Наманган ва Кўқоннинг юқори мавқега эга бўлган мансабдорлар ва уламоларидан иборат бўлганлиги Муҳаммад Юнусжон шифовул томонидан қайд этилади²¹. Мазкур мажлиснинг ташкилотчиси Мулла Алиқули бўлиб, тизгин ҳам бу шахснинг кўлида эди. Шу боис мажлис қарорига кўра, Султон Сайидхон ёш бўлганлиги сабабли давлатнинг бошқарув тизими тўлиқ Мулла Алиқули ихтиёрига топширилиб, унга «Амирлашкар» ҳамда «Амир ул-умаро»²² унвони берилади²³. Мазкур мажлисда аҳднома тузилиб, у янги ҳукмдор, ёш олий ҳукмдор Султон Сайидхон бошлиқ барча иштирокчилар томонидан имзоланади ва муҳрлар босилади. Мажлис баёни “Тарихи Алиқули амирлашкар” асари муаллифи Муҳаммад Юнусжон шифовул томонидан қайд этилади²⁴.

²⁰ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul ...P. 59.; ЎзР ФА ШИ, кўлёзма № 12136. 61 а, б вараклар.

²¹ ЎзР ФА ШИ, кўлёзма, № 12136. 61 а, б вараклар.

²² Амир ул-умаро, амирлар амири, яъни бош вазир маъносини англатади.

²³ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul ...P. 60.; ЎзР ФА ШИ, кўлёзма № 12136. 61 б варак.

²⁴ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul ...P. 60.; ЎзР ФА ШИ, кўлёзма № 12136. 61 б варак.

Султон Саидхоннинг (1863–1865) икки йиллик хукмронлиги даврида хукуматнинг барча ишлари бош вазир Мулла Алиқули амирлашкар томонидан амалга оширилди. Амирлашкарнинг Тошкент мудофаасида руслар билан бўлган жангда шахид бўлиши Кўқон хонлиги ҳокимиятида янги ўзгаришларни юзага келтириди.

Алиқули амирлашкарнинг сиёсий етакчилиги

Кўқон хонлиги учун оғир бир шароитда ҳокимият тепасига келган Алиқули амирлашкар бутун дикқат эътиборини мамлакатда сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш ва Россия империяси босқинига қарши мудофаани кучайтиришга қаратганлигини унинг фаолиятини кузатиши орқали кўриш мумкин. Буни ҳатто 19 асрнинг 70 йилларида хорижда ёзилган асарлар ҳам исботлайди²⁵.

Алиқули амирлашкар юзага келган тарихий вазиятни хисобга олган ҳолда хонликнинг ҳарбий кудрати юкори даражада эмаслигини англаб, дарҳол бу соҳани такомиллаштиришга, қальъаларни мустаҳкамлашга киришади. Шунингдек, у бу масалада хонлик учун сиёсий ҳамкор излашга киришади ва Усмонийлар давлати хукмдорларини ушбу тарихий миссияга таклиф этади.

Кўқон хонлиги билан Усмонийлар давлати ўргасидаги дипломатик алоқалар ҳакида Мухаммад Юнус Тойибнинг “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида ҳам кимматли маълумотлар мавжуд. Унда Кўқон хонлигига хукмдорлик килган Маллахон (1858–1862) ва унинг ўғли Султон Саййидхон (1863–1865) давридаги ижтимиоий-сиёсий жараёнлар акс этиб, муаллифнинг ўзи бевосита бу жараёнларнинг иштирокчиси сифатида воқеаларни баён этади. Муаллифнинг ўзи бу даврда Кўқон хонлининг давлат бошқарувида масъул лавозимларда, жумладан, мирзабоши ва шиговул мансабларида хизмат килган бўлиб, унинг ушбу асарда келтирган маълумотлари ҳаққоний характерга эгалигини таъкидлаш лозимдир. Унинг ёзишича, 1865 йилда Султон Саййидхон томонидан ҳарбий ёрдам олиш мақсадида Истанбулга элчи қилиб Ахмадхожа Эшон юборилади²⁶. Лекин Ахмадхожа Эшонни Хитой чегара хизматчилари Ёркентда ушлаб турғанлиги ҳақидаги хабар хонлик пойтахтига етиб келади. Алиқули амирлашкар Истанбулга бу элчининг бориши ўта зарур ва

²⁵ Sing S.H. History of Khokand from the commencement of Russian course until the final subjugation of the country by that power. Lahore, 1878, P. 7.

²⁶ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul ...P. 62.; ЎЗР ФА ШИ, кўлёзма № 12136. 65 б, 66 а варак.

муҳим эканлигини давлатнинг олий маслаҳат органи – Кенгашда алоҳида таъкидлайди ва Муҳаммад Юнус Тойибга Қошғарга бориб, элчини чегарадан ўтказиб келишиликни топширади. Шундан сўнг Муҳаммад Юнус Тойиб Қошғарга боради ва ҳоким Қутлуғбек билан ҳамкорликда Хитой мулозимлари билан келишиб Аҳмадхожа Эшон ўрнига Ҳожи Ме-либойни Истанбулга элчи қилиб юбориб қайтади²⁷.

Алиқули амирлашкарнинг муҳрлари

“Тарихи Азизий” асарини нашрга тайёрловчилар томонидан таъкидланишича, улар топган иноятнома ҳужжатида Мулла Аликулининг муҳри Кўкон хони Султон Саййидхоннинг муҳридан пастки кисмга бо-силган эди. Алиқулининг муҳри бодомсимон шаклда бўлган. Муҳрда “Мулло Алиқули амир ул-умаро ибн Ҳасанбий” деб кайд этилган²⁸. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Муҳаммад Алихон (1822–1842)га қадар Кўкон хонлигини бошқарган ҳукмдорларнинг муҳри ай-нан бодомсимон шаклда бўлган. Масалан, Умархон (1810–1822) нинг бизга маълум бўлган 2 та муҳри ҳам бодомсимон шаклда эди²⁹. Алиқули амирлашкарнинг бодомсимон шаклдаги муҳри унинг ўзини Кўкон хонлари каби тутганилиги ёки олий ҳукмдорликка интилганлигини англатади. Аммо, бу ўринда шуни ҳам қайд этиш керакки, Алиқули амирлашкарни Кўкон хони сифатида ҳукмрон доира вакиллари ҳам, Бухоро ва Хива хонлари ҳам тан олмаслигини унинг ўзи яхши анлаган. Мулла Алиқулининг бошқа шаклдаги муҳри ҳам бўлган. “Тарихи Азизий” аса-рида Султон Саййидхон томонидан Саййидбек қўшбегининг мансабга тайинланишига доир бўлган ёрликнинг нусхаси келтирилган³⁰. Унда Мулла Алиқулининг муҳри ҳам босилган бўлиб, у кўза шаклига ўхша-ганлигига ургу берилган. Ушбу ҳужжатда Мулла Алиқулининг муҳри Кўкон хони Султон Саййидхон муҳрининг пастки кисмига босилган. Ҳажми ҳам олий ҳукмдорнинг муҳридан анча кичикроқ. Албатта бу муҳр оригинал эмас. Ушбу муҳрнинг нусхаси чизилганда кўза шакли-га ўхшаганлигига ургу берилиши Алиқулининг бошқа муҳрларидан кескин фарқ қилишилигини кўрсатади. Муҳрда “Амир лашкар муҳри

²⁷ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul ...P. 62.; ЎзР ФА ШИ, қўллэзма № 12136. 65 б, 66 а вараг.

²⁸ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчилар Ш. Вохидов, Д. Сангирова. Тошкент: Маннавият, 1999. 110-бет.

²⁹ Махмудов Ш. Кўкон хонлигининг дипломатик алокаларида хадяларнинг тутган ўрни // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахбороти. 2011. № 1. 4–6-бетлар.

³⁰ Мулла Азиз Марғилоний. Тарихий Азизий. ЎзФАШИ қўллэзма № 11108. 116 а вараг.

мақоми” – امیر لشکر مهر مقامی – деган ёзув мавжуд³¹. Бундан кўринадики, “Амирлашкар муҳрининг шакли” деган маъно чиқади. Агар, ушбу муҳр ёрлиқнинг оригинали асосида чизилган бўлса, унда буни Мулла Аликули муҳрларининг иккинчиси деб ҳисоблаш мумкин.

Туркияning Истанбул шаҳридаги “Усмонли архиви”да олиб борган илмий изланишлар натижасида Аликули амирлашкарнинг бошка бир муҳри ҳам борлиги аниқланди³². Бу муҳрни Аликули амирлашкарнинг учинчи ва сўнгги муҳри деб айтиш мумкин. Чунки бу муҳр Ш. Воҳидов ҳамда Д. Сангировалар томонидан эълон қилинган муҳрдан ҳам, “Тарихи Азизий” асаридаги муҳр нусхасидан ҳам шакли ва ёзувлари билан фарқ қиласи.

“Усмонли архиви” фондида сакланаётган 1864 йилда Усмонли сultonи ва Садри Аъзами номига юборилган иккита мактубдаги муҳрлар Аликули амирлашкарнинг муҳри бўлиб, унда “Мулла Аликули амир ал-умаро ибн Ҳасанбий 1281 / ۱۲۸۱ مل على قلی امیر الامراء ابن حسن بنی” деган ёзув қайд этилган³³.

“Усмонли архиви” фондидаги Аликули амирлашкар томонидан юборилган мактубдаги муҳрнинг шакли “Тарихи Азизий” асари нашрида кўрсатилганидек бодомсимон шаклда эмас. Бу муҳрнинг икки томони гумбаз, яна икки томони эса ярим думалоқ шаклда ишланган. Муҳрнинг ўлчами 2.2x2.9 см бўлиб, мактубнинг орка томонига ҳамда мактублар солинган хатжилд (конверт) устига босилган. (1 ва 2 расмлар).

Аликули амирлашкар томондан юборилган мактублар жуда чиройли нақшлар билан безатилган ва атрофи олтин суви билан ҳошия (рамка) чизилган. Аликули амирлашкар томонидан юборилган мактубларнинг бири Усмонли давлати сultonига, иккинчиси эса Садри Аъзам номига ёзилган. Мактубларнинг мазмуни бир хил бўлса-да, уларнинг безаклари, нақшлари бир-биридан фарқ қиласи. Ҳар икки мактуб ўзига хос тарзда нафис ишлангани билан ажralиб туради. Сulton номига ёзилган мактубга³⁴ кўк, қизил ва олтин суви билан ишланган нақшинкор гуллар со-

³¹ Мулла Азиз Марғилоний. Тарихий Азизий. ЎзФАШИ қўлёзма № 11108. 116 а варак.; Мулла Азиз бин Мулла Муҳаммадизо Марғилоний. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчи, кириш ва кўрсаткичларни тузувчи И. Каюмова. Тошкент, 2016. 265-бет.

³² Туркия Республикаси Президенти хузуридаги давлат архивлари бош бошкармаси Усмонли архиви – Turkiye Cumhuriyeti Cumhurbaşkanlığı Osmanlı arşivi кейинги ўрнларда – TCCOA – кискатрмасида берилади, TCCOA, HR.TO. 447/ 1; TCCOA, HR.TO. 447/ 87.

³³ TCCOA, HR.TO. 447/ 1; TCCOA, HR.TO. 447/ 87.

³⁴ TCCOA, HR.TO. 447/ 1;

линган. Садри Аъзам номига ёзилган мактуб³⁵ эса кўк ва яшил ҳамда олтин сувлари билан безак берилган³⁶.

Муҳрдаги Амир ал-умаро унвони
Кўкон хонлигига Аликули амирлашкарга қадар бош вазир лавозими ни бажарган мансабдорларга нисбатан “Амир ал-умаро” – امير الامر – унвонини кўлланилгани кузатилмайди. Ҳатто Аликули амирлашкардан кейинги бош вазир лавозимидағи мингбошилар ҳам бу унвонга эга бўлмаганлар. “Амир ал-умаро” – амирнинг кўплиги “умаро” бўлиб, “амирларнинг амири” ёки “вазирларнинг амири” деган маънени англатади. Аликули амирлашкарнинг “Амир ал-умаро” унвонига эга бўлиши юқорида келтириб ўтилган 1863 йилда Султон Сайидхоннинг таҳтга ўтқазиш жараёни билан боғлик³⁷.

Бу ўринда Аликули амирлашкарга “Амир ал-умаро” унвони нима учун кўлланилганлиги масаласига ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Бу ҳақда, “Туркистон вилояти газети”нинг 1890 йил 46-сонидаги Ҳакимхўжа эшон таржимаи ҳоли тўғрисидаги мақолада муаллиф томонидан “Сайд Муҳаммад Ҳакимхўжа эшонни қозикалонлик лавозими бўйниларига тушкони баёни тарих 1275 / 1863 йилда Ҳўқанд хони Сайд Султонхон ва уни катта вазири ва ҳам ноиби амир ал-умаро мулла Аликули эди”³⁸ – тарзида қайд этилади. Мазкур маълумотдан ҳам кўринадики, Аликули амирлашкар ўша даврнинг ўзида хукмрон доира вакиллари орасида хоннинг ноиби даражасида қаралган. Бу унинг давлат бошқарувида ҳокимиятни тўлиқ идора этганлигини англатади. Шунинг учун ҳам “Амир ал-умаро” унвони Султон Сайидхон таҳтга келган вақтдан бошлаб унга нисбатан кўлланилган.

Аликули амирлашкарга тегишли бўлган муҳр унинг фаолиятига оид манбалардаги маълумотларни тасдиқлайди. Шунингдек, унинг муҳрида қайд этилган “Амир ал-умаро” унвони ҳамда давлатда марказий бошқарув тизими сусайган ва олий хукмдорнинг жуда ёшлиги унинг Кўкон хонлиги давлат бошқарувида ҳокимиятни тўлиқ ўз кўлига олганлиги-

³⁵ ТССОА, НР.ТО. 447/ 87.

³⁶ Махмудов Ш. Кўкон-Истанбул ёзишмаларига оид “Усмонли архиви”даги мактуб: 1864 йилда Сайид Ёкубхон Тўра бошчилигидаги дипломатик миссия // Фарғона во-дийси тарихи янги тадқиқотларда мавзусидаги ҳалқаро конференция материаллари. Фарғона: ФарДУ, 2019 й. 183–187-бетлар.

³⁷ Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The life of Alimqul ... 60 / 61 а, б вараклар.


³⁸ Тошканд шаҳрини улуғ ҳурматлик қози калони Сайд Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли аҳволлари хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1890. № 46.

ни асослайди. Хусусан, Кўқон хонлигига давлат аҳамиятига эга бўлган дипломатик мактубларга Алиқули амирлашкарнинг муҳри босилгани унинг хонлик сиёсий бошқарув тизимидағи биринчи рақамли шахсга айланганини кўрсатади. Гарчи бу даврда Кўқон таҳтида расман Султон Саййидхон ўтирган бўлса-да, амалда давлат бошқаруви тўлиқ Мулла Алиқули амирлашкарнинг кўлида бўлганлигини исботлайди.

1. Усмонли султони ҳамда Садри Аъзам номига ёзилган мактубнинг орқа томонига босилган Мулла Алиқулининг муҳри.



2. Мактублар солинган хатжилд (конверт) устига босилган Мулла Алиқулининг муҳри



Ш. МАХМУДОВ

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БОШ ВАЗИРИ

АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАРНИНГ

ФАОЛИЯТИГА ДОИР ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Ушбу мақолада 1863–1865 йилларда Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўрин тутган давлат арбоби, лашкарбоши Мулла Аликули амирлашкарнинг таржимайи ҳоли ҳамда давлат бошқарувидаги фаолияти ва унга тегишли бўлган муҳрлар ҳақида сўз юритилади. Мақолада сўз юритилган муҳр Аликули амирлашкарнинг 1864 йилда Усмонли давлатига юборган дипломатик мактубларига босилган. Ушбу муҳр Мулла Аликулининг ҳақиқий исми ҳамда фаолиятини ёритишга хизмат қиласди.

Калим сўзлар: Қўқон хонлиги, Аликули амирлашкар, Усмонли империяси, амир ал-умаро, муҳр, дипломатик алоқалар, мактублар, манбалар.

Ш. МАХМУДОВ

НОВЫЕ СВЕДЕНИЯ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГЛАВНОГО ВИЗИРЯ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА АЛИКУЛИ АМИРЛАШКАРА

В данной статье освещены некоторые страницы биографии государственного деятеля и полководца Мулла Аликули Амирлашкара, который занимал важное место в социально-политической жизни Кокандского ханства в 1863–1865 гг. В том числе изучена его деятельность в системе государственного правления и печати, использованные в подготовленных им документах. В частности, в статье описана печать в письме отправленного в Османскую империю в 1864 году. Данная печать служит основным источником в определении настоящего имени Мулла Аликули.

SH. MAHMUDOV**NEW DATA ON THE ACTIVITIES OF THE GRAND VIZIER
ALIKULI AMIRLASHKAR OF THE KHOKAND KHANAT**

The article highlights some pages of the biography of the state figure and commander Mullah Alikuli Amirlashkar, who occupied an important place in the socio-political life of the Khokand khanate in 1863–1865, including his activities in the system of government and the seals, which were used in documents by him. In particular, the article describes the seal in a letter sent to the Ottoman Empire in 1864. This seal serves as main source in the definition of the real name of Mulla Alimkuli.

Ш. РАХМАТУЛЛАЕВ, Д. ХАЙДАРОВ

XX – XXI АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Кириш

XXI аср бошига келиб, шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий марказ сифатида ўрни ва мавқеи янада ортганини кузатиш мумкин. Баъзи маълумотларга караганда, дунё бўйича 600 йирик шаҳар марказлари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 60 фоизини ишлаб чиқармокда. 2025 йилга келиб эса, бу шаҳарларда ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми яшashi, шунингдек, юкорида қайд этилган шаҳарлар тизимиға юкори суръатлар билан ривожланаётган деярли 600 га яқин “ўрта шаҳарлар” яқин келажакда кўшилиши таҳмин қилинмоқда¹. Бошқа сархисобларга караганда, ўтиш даври ҳолатидаги давлатлар шаҳарлари аҳолиси 2000 йилдан 2030 йилга қадар 2 дан 4 млрд.га, уларнинг майдони эса уч баробар ўсиши (яъни 200 дан 600 минг кв.кмга) кутимоқда². Мухими шундаки, XXI аср бошига қадар асосан тараккий этган шимолдаги давлатлар урбанизацион жараёнларда етакчилик қилган бўлса, янги минг йилликда шаҳарлар тараккиётининг салмоғи жанубга, аниқроғи ривожланаётган Шарқ давлатларига қараб кўчмоқда.

Дарҳакикат, транзит даврини бошидан кечираётган Марказий Осиё давлатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу жараённинг асослари мавжуд. Тарихдан маълумки, минтақамиз бир неча минг йиллик шаҳар маданияти ривожланган худуд хисобланади. Буюк Ипак йўлига асос солинган дастлабки даврлардан Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз минтақанинг бошқа шаҳарлари каби қитъалараро савдо, жаҳон цивилизацияларининг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги марказларига айланди. XIX аср охиридан ҳозирга қадар тарихий жараёнлар таъсиридаги трансформациялар шаҳарларнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий муҳитини ўзгартириди, бу эса замонавий Ўзбекистон худудидаги урбанизация жараёнларига жиддий (ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари билан) таъсир этди. Мустакиллик йилларида ўтиш даври кийинчиликлари ва муаммолари таъси-

¹ Urban world: Mapping the economic power of cities. McKinsey Global Institute Report. March 2011. // <https://www.mckinsey.com/featured-insights/urbanization/urban-world-mapping-the-economic-power-of-cities>

² Planning, Connecting, and Financing Cities-Now: Priorities for City Leaders. 2013. Washington, DC: World Bank. p. IX.

рида республика шаҳарларининг ривожланиши бир теккис кечмади. Инвестицияларнинг етишмаслиги комплекс ислоҳотлар даврида, айниқса 1991–2016 йилларда урбанизациянинг зиддиятли кечишига сабаб бўлди. 2017 йилдан шаҳарлар инфратузилмасида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг иқтисодий тараққиётини жонлаштириш сари дадил қадамлар кўйилганини кузатиш мумкин. Айтилган фикрларни инобатга олиб, биз мақолада совет даврида урбанизация жараёнининг хусусиятлари ва унинг оқибатлари ҳамда мустақиллик йилларида шаҳарлар ривожидаги муаммоли жиҳатларга тўхталиб ўтшига ҳаракат қилдик.

Совет даврида урбанизация жараёнининг хусусиятлари

Совет даврида амалга оширилган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, унинг таъсирида юз берган ва динамик тарзда кечган демографик жараёнлар, бир томондан, республика аҳолисининг, айниқса шаҳар аҳолисининг сезиларли ўсишига, кўплаб шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва шаҳарларда мухандислик-коммунал ва ижтимоий инфратузилмани кенгайишига, иккинчи томондан, мамлакат иқтисодиётида янги соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши, айниқса кишлоп хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ҳамда кончилик тармоғининг ўсиши республика шаҳарлар тармоғини кенгайишига олиб келди. Шу билан бирга, вужудга келган янги шаҳарлар таркибининг маълум кисмини муайян тор мақсад ва вазифаларга йўналтирилганлиги, маҳаллий иқтисодиётга эмас, балки кўпроқ СССРнинг бошқа республикалари шаҳар ва ишлаб чиқаришлири билан боғлиқ бўлган моношаҳарлар (шаҳар асосини ташкил этувчи маъданларни ёки кишлоп хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхонали шаҳарлар) ташкил этарди.

Бунда этатизм сиёсати, яъни иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш мақсадида унга тўғридан-тўғри давлат аралашуви республиканинг худудий ривожланишида жиддий номутаносибликларни келтириб чиқарди. Натижада, ягона ҳалқ хўжалик комплекси парчаланиб, бозор муносабатлари шакллана бошлаганидан кейин, шаҳарларнинг юзага келган янги шароитларга мослашиш имкониятини чеклади.

Маълумки, урбанизация жараёнларида саноатнинг ўрни ва роли бекиёсdir. Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини жадаллашишига сабаб бўлган саноатлаштиришда совет даври амалиётини, шартли равища, уч даврга бўлиб кўриб чиқиш мумкин. Дастлабкиси 1920 йиллардан 1941 йилларни, навбатдаги босқич уруш йиллари (1941–1945)ни ўз ичига қамраб олди, охирги босқичи эса урушдан кейинги йиллардан то Иттифок тарқалгунга қадар республика ишлаб чиқариш салоҳиятидаги

ўзгаришлар билан боғлиқ бўлди. Агар совет даври тараккиётининг энг юкори нуктаси хисобланган 1985 йилдаги кўрсаткични Россия империяси аналогик давр яъни 1913 йил кўрсаткичи билан қиёслаганда, ушбу вақт оралиғида республика саноат маҳсулотлари ҳажми 100 баробар ошганини кўриш мумкин³.

Дарҳакиқат, совет даврида Ўзбекистонда саноатлаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар салмоқли бўлишига қарамасдан, республикада шаҳарлар ривожи ва уларда саноатлаштириш сиёсати кўп жиҳатдан ягона халқ хўжалиги комплексининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, шу билан бирга, бирёзлама тараккиёти билан ажralиб турган.

1925 йил декабрда “социалистик индустиризация” дастурини қабул қилиниши ва амалга оширилиши натижасида иккинчи жаҳон урушига қадар асосан, саноатнинг колониал даврига хос бўлган тармоклари (пахта тозалаш; ёф ишлаб чиқариш; совун ишлаб чиқариш, консервалаш) ривожланди, шунингдек, янгилари (электроэнергетика, тог-кон, машина курилиш саноати) вужудга келди⁴.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда кечган шаҳарлаштириш ва саноатлаштириш жараёнларига Иттифоқнинг Европа худудидан саноат корхоналарини эвакуация килиш ҳам тармоқда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Биргина 1941–1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистонга 100 дан ортиқ корхона кўчирилди⁵. Натижада, саноат ишлаб чиқариши ўсиши билан республикада шаҳар ахолисининг улуши сезиларли ошди. Аммо уруш янқунланиши билан Ўзбекистонга олиб келинган саноат корхоналарининг салмоқли кисми республиканинг аграр соҳасига ихтисослаштирилди.

Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, янги шаҳарлар таркибида ресурс шаҳарларининг тез ўсиши кузатилди. Асосий эътибор республиканинг табиий ресурсларга бой бўлган, кам ривожланган узок (чўл ва тоголди) худудларда кончиллик саноати ривожланишига қаратилди оқибатда асосан янги шаҳарларни шакллантиришга олиб келинди. 1980-йил охирига келиб Ўзбекистонда 63 та ресурсли шаҳар манзилгоҳлар мавжуд эди. Улардан 33 таси шаҳар ва 30 таси шаҳар типидаги посёлкалардир (1-жадвалга қаранг). Натижада, Навоий кон-металлургия худудий саноат комплекси (ҲСК), Олмалиқ-Ангрен ҲСК, Фарғона

³ Народное хозяйство СССР за 70 лет: Юбилейный стат. ежегодник / Госкомстат СССР. М.: Финансы и статистика, 1987. 12-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000. 339–342-бетлар.

⁵ Бабаджанов Х.Б. Трансформационные процессы в экономике Узбекистана в годы второй мировой войны. Автореф... канд. ист. наук. Ташкент, 2018. 31 ст.

нефть-кимё комплекси ва бошқаларнинг вужудга келиши ва ривожланиди. Саноатлаштиришнинг бир томонлама ривожланиши саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида, қайта ишлаш саноатига қараганда, кончилик (қазиб олиш) секторининг улуши икки баробар кўп бўлишида ўз ифодасини топди. Айни вактда эса республика қайта ишлаш саноати кўрсаткичи ўргача ҳисобда Иттифоқ кўрсаткичларидан анча паст даражада эди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ресурслари шаҳар манзилгоҳ тармоғининг ташкил топиши (1939–1989 йй.).

1939 й.			1959 й.			1970 й.			1979 й.			1989 й.		
Шаҳар-лар	ШП*	Жами	Шаҳар-лар	ШП	Жами									
1	3	4	9	17	26	13	23	36	29	27	56	33	30	63

*Шаҳар типидаги посёлкалар

Изоҳ: жадвал 1939, 1959, 1970, 1979, 1989-йиллардаги бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида тузилди.

Совет даврининг охирига келиб, Ўзбекистонда асосан ярим-тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган аграр-индустрисал иқтисодиёт талабларини кондиришга йўналтирилган халқ хўжалиги шаклланди. Ҳаддан ташқари бундай ихтисослашув иқтисодиётнинг тузилишига салбий таъсир кўрсатди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1960 йилда Ўзбекистон саноат тармоқларидағи умумий ишлаб чиқаришнинг 83,4 % кишилук хўжалиги (асосан пахтчилик) билан бевосита боғлик бўлган, 1965 йилда бу кўрсаткич 78 % ни⁶, 1980-йиллар ўрталарига келиб эса 75 % дан ортиқни ташкил этган⁷. Ўзбекистон саноатидаги бу каби бир ёқламалик узоқ йиллар давомида сакланиб келинди, ва унда жиддий ўзгаришлар ясалмади.

Мамлакат саноат маҳсулотлари номенклатураси, бир катор саноат маҳсулотлари (самолётлар, экскаваторлар ва бошқалар)дан ташқари, юқори кўшимча қиймати кам бўлган саноат маҳсулотлари билан чекланди. Жумладан, 1980–1990 йилларда Ўзбекистон умумий саноат ишлаб чиқаришида енгил, пахта тозалаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этди⁸.

⁶ Қаранг: Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. – Т., 1967. – С. 151.

⁷ Зиядуллаев С.К. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Т., 1988. – С. 16.

⁸ Народное хозяйство Узбекской ССР: Стат. ежегодник: 1990 г. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 186-бет.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш салоҳиятини худудий ривожлантиришда узок муддатли номутаносибликлар учун шароит яратилди. Жумладан, салмоқли демографик салоҳиятга эга бўлган Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм каби вилоятларда саноат ишлаб чиқариш узок йиллар давомида зарур ва етарли даражада ривожлантирилмади. Айниқса Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси саноат корхоналари мавжудлиги жиҳатидан ўта заиф худудлигича қолди.

СССР раҳбариятининг Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш соҳасидаги сиёсати демографик ўзгаришларга ҳам сабаб бўлиб, шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг жадал ўсишига олиб келди. Масалан, 1926–1989 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 4,3 марта – 4,6 дан 19,9 миллионгacha ўсан бўлса, умумий аҳоли сони таркибида шаҳар аҳолисининг улуши деярли икки баробарга 22 фоиздан 41 фоизгача ошди. Шу йиллар мобайнида республика шаҳарларининг аҳоли сони 8 марта – 1 миллиондан 8,2 миллион кишига етди. Шу билан бирга, аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати урушдан олдинги даврда (1924–1941 йй.) 2,5 фоизни, 1959–1970 йилларда – 4,1 фоизни ташкил этди. 1970–1990 йилларда эса бу кўрсатгич 3,15 фоизни ташкил қилди. 1990 йилда 1959 йилга нисбатан аҳоли сони ўсишининг асосий улуши шу йиллар оралиғида 2,2 марта кўпайган қишлоқ аҳолисига тўғри келди⁹. Натижада, аҳоли табиий ўсиши юкорилиги билан ажralиб турадиган республикада кескин ва зиддиятли демографик вазият вужудга келди.

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур масала бўйича муаммо кўзга ташлана бошлади. Бир томондан, меҳнат ресурслари сонининг ўсиши тезлашди, иккинчи томондан, янги иш жойлари ташкил қилиш деярли тўхтаб қолди¹⁰. Аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси мухим ва жиддий тус олди. Айрим маълумотларга қараганда, республикада меҳнаттага лойик бўлган 1,5 млн.дан ортиқ киши халқ хўжалигига жалб қилинмади. Улардан 800 минга яқини меҳнатга лойик бўлган аҳоли ортиқча ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришдан четда қолди¹¹.

⁹ Куйидаги манбалар асосида ҳисоб-китоб қилинди: Ахмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент, 1991.; Народное хозяйство СССР за 70 лет: Юбилейный стат. ежегодник / Госкомстат СССР. М.: Финансы и статистика, 1987.; Народное хозяйство Узбекской ССР: Стат. ежегодник: 1990 г. Ташкент, 1991.

¹⁰ Содикон А. Мехнат бозори: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. № 8. 8-бет.

¹¹ Рабич Р.Г. Научная конференция на тему «Вопросы социального развития Узбекистана в процессе перестройки» // Общественные науки в Узбекистане. 1989. № 1. 52-бет.

Совет даврининг охиригига ўн йилларидаги Ўзбекистонда кечган муаммоли демографик жараёнлар урбанизацияда ўзгача тус олди. Жумладан, республика жами аҳолисида шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпая бориши 1970–1990 йилларга тўғри келди. Бу ҳолат сунъий равшида рўй бериб, шаҳар аҳолиси салмоғини кўтариш мақсадида қатор кишлоқ манзилларига асосиз тарзда шаҳар макоми берилиши туфайли рўй берди¹². Натижада, урбанизация кўрсаткичи ҳам айнан шу йилларда энг юқори нуктага етди. Масалан, 1979 йилда у 41,2 фоизни ташкил килган бўлса, 1989 йилда 40,8 фоизга бўлди¹³.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бутун совет тузуми йилларида республика урбанизацион жараёнларга асосан келгинди аҳоли (руссий забон халқларига мансуб халқлар) фаол қатнашишган. Тошкентда, Сарманд, Фарғона, Навоий вилоят марказларда, шунингдек, Ангрен, Чирчик, Нуробод, Зарафшон каби ресурсларда аҳоли таркибида туб аҳоли салмоғи камроқ бўлган. Бунинг боиси, биринчидан, республикада янги шаҳарлар бунёд этилиши, завод ва фабрикалар курилиши ҳамда уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида СССРнинг марказий районларидан «мутахассислар»ни кўплаб кўчириб келтирилиш амалиёти кенг кўлланилган. Масалан, “1926 йилдан бошлаб 1940 йилгача Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар хисобига 750 минг кишига ёки 10 фоиздан ортиқрок кўпайди”¹⁴. Бу ҳолат кейинги даврларда ҳам қайд этилган¹⁵. Иккинчидан, русий забон аҳоли миграцияси юқори-лиги билан ажralиб турган ва уларнинг аксарияти шаҳарларда истиқомат килишга интилган.

1970-йилларга қадар русий забон халқларига мансуб аҳолининг республикага келиши кетишдан кўра кўпроқ кузатилган бўлса, 1970-йиллар ўрталаридан 1990 йилларга қадар уларнинг эммиграцияси аста-секин кучая бошлади¹⁶. Яна, қайд этиш зарурки, Ўзбекистонда истиқомат килган маҳаллий бўлмаган аҳоли таркибида туғилиш ҳам кам бўлган. Бу ҳолат ҳам уларнинг табиий ўсишига салбий таъсир этган.

¹² Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Тошкент, 2002. 27-бет.

¹³ Народное хозяйство Узбекской ССР: Стат. ежегодник: 1989 г. Ташкент: Ўзбекистон, 1990. 16-бет.

¹⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000. 344-бет.

¹⁵ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар (70–80 йиллар мисолида). Т., 1999. 123-бет.

¹⁶ Қаранг: Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. Т., 2000. 26-бет; http://www.demoscope.ru/weekly/ssp/sng_nac_26.php?reg=2376

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги мавжуд (тариҳий ва янги) шаҳарларнинг аксариятида замонавий инфратузилма (ичимлик суви ва газ кувурлари, канализация, электр тармоқлар ва ҳоказолар) мустақилликка қадар куриб ишга туширилган. Бу суверен ривожланиш даврида шаҳарларнинг кейинги тараккиётiga асос бўлиб хизмат қилди.

Умуман олганда, Марказий Осиёning бошқа республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам совет даврида урбанизация умумиттифоқ иқтисодиёти (асосан ҳарбий саноат ва агро-саноат комплекси) манфаатларига бўйсунгандигини таъкидлаш лозим, бу эса моношаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишига, саноатда кончилик тармоқларининг устуналигига ва аграр-хом ашёга иктинослашувига олиб келди.

Мустақиллик арафасида Ўзбекистон учун юзага келган вазият худудлар бўйича номутаносиб урбанизация, аграр сектор улушининг миллий иқтисодиётдаги юқорилиги, шунингдек, аҳолининг 3/2 қисми қишлоқ жойларда яшаганлиги каби хусусиятлар билан ажralиб туради.

Ўтиш даврида урбанизациянинг долзарб муаммолари

Ўзбекистонда 1990-йиллар бошларида ривожланишнинг тариҳий хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси асосида сиёсий иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос модели ишлаб чиқилди ва амалга оширилди, бу эса урбанизация жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўзгариш жараёнининг динамикаси урбанизация учун янги қийинчиликларни келтириб чиқарди. Биринчидан, ўтиш даври туфайли республикадаги шаҳар аҳоли пунктларининг катта қисмida иқтисодий фаолликнинг сусайиши ва шунга мос равишда маҳаллий бюджет даромадларининг пасайиши кузатилди. Бозор иқтисодиёти шароитида шаҳарларни бошқариш тизими салоҳияти ҳам чекланди. Иккинчидан, транзит даврида шаҳарларни ривожлантириш ёндашувлари шаҳар бошқаруви тизимини қуриш ва шаҳар худудларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун ўз имкониятларидан келиб чиқди. Умуман олганда, янги даврда кечган урбанизация жараёнининг самарадорлиги ва камчиликларини аниқлаш ва ўрганишда транзит даври хусусиятларини иnobatga олиш талаб этилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, XXI асрнинг бошларида урбанизацияга таъсир этувчи куйидаги муаммолар ўз долзарблигини сақлаб колаётганини кўрсатмоқда¹⁷:

¹⁷ Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспективы. (CER., ESCAP., UNDP.) Аналитический доклад 2013/03. Ташкент, 2013. 13-бет.

– қишлоқ жойларида ахолининг нисбатан табиий ўсишининг юқорилиги аграр соҳада бандлик имкониятлари чекланган шароитда, нафакат қишлоқ жойларида, балки шаҳарларда ишсизлик муаммосининг зиддиятлашувига сабаб бўлмоқда;

– совет даврида шакллантирилган шаҳар инфратузилмасига мустақиллик йилларида ортиб бораётган босим (ахоли сонининг ўсиши, янги майший, савдо шаҳобчалари, ишлаб чикариш корхоналарининг пайдо бўлиши ва бошқалар) оғир юк бўлиб тушмоқда, колаверса инфратузилма (йўллар, газ, электр тармоклари, ичимлик суви ва канализация қувурлари ва ҳоказо) кўп жиҳатдан ҳаётий ресурсларини тутатди. Жумладан, Ўзбекистонда сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти тармокларининг эскириши, тегишли равишда, 39, 20 ва 19 фоизни ташкил этади. Ер ости газ қувурларининг 50 фоиздан кўпроғи меъёрий муддатидан ортиқ вақт давомида ишлаб келмоқда. Иссиқлик, ичимлик суви ва электр энергиясининг истеъмолчига етиб бормасдан таҳминий йўқотилиши, мос равишда, 60, 40 ва 25 фоиз, табиий газ эса 0,5 млрд куб метрдан ошади¹⁸. Демак, шаҳарлар инфратузилмаси катта инвестициялар ва туб модернизацияга муҳтож.

– республиканинг Бухоро, Навоий, Қашқадарё каби вилоятлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси худудларининг кенглиги улардаги шаҳарларнинг мавжуд инфратузилма тармокларига кишини қийинлаштиради ҳамда транспорт ва коммуникация харажатларининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Натижада, бугунги кунда республика ўзининг узоқ муддатли ижтимоий-иктисодий ривожланиши манфаатларига жавоб берадиган худудий ташкил этиш истиқболларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда.

ССР парчаланиб кетгандан сўнг республика демографик вазиятни, ахолининг худудий жойлашувини, атроф-муҳит ва бошқа ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда иктиносидий, худудий ва шаҳар ривожланишининг ўз тараққиёт йўлидан борди. Бу эса, ўз навбатида, урбанизация жараёнларининг табиати ва кўламига таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ахолиси барқарор суръатларда ўсишда давом этди (йилига ўртacha 1,5 фоизга). 2017 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий ахоли сони 32,1 миллион кишини ташкил этди ва 1991 йилга нисбатан 11,5 миллион киши ёки 55,9

¹⁸ Шу жойда. 44-бет.

фоизга ўсди¹⁹. Шу билан биргага, мустақиллик йилларида республикада шахар аҳолисининг улуши камайиш тенденцияси кузатилди. 1991 йилда Ўзбекистон шаҳарларида мамлакат аҳолисининг 40 фоизи яшаган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 37 фоизни, 2006 йилда эса – 36 фоизни ташкил этди. Бу, айниқса мустақилликнинг дастлабки йилларида, кишлок аҳолисининг ўсиш суръатлари илгарилаб кетиши (туғилиш хисобига) ҳамда шаҳарлар аҳолиси табиий ўсишининг сустлиги, рўйхатта олиш тизимидаги маъмурий чекловлар, шунингдек, шаҳар аҳолисининг бир кисми миграция домига тортилиши (асосан маҳаллий бўлмаган миллат вакиллари бошқа давлатларга кўчиб кетиши) билан боғлик эди²⁰.

2009 йилда республика урбанизация жараёнида ўзига хос бурилиш содир бўлди десак, муболага бўлмайди. Шу йили 13 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 68-сонли “Ўзбекистон Республикаси ахоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори²¹ билан 965 та йирик кишлоп ахоли пунктларига шаҳар посёлкалари мақоми берилди²². Бунинг натижасида эса Ўзбекистон шаҳар ахолиси деярли 4,5 миллион кишига кўпайиб, урбанизация кўрсаткичи 2008 йилдаги 35,8 фоиздан 2009 йилда 51,7 фоизга етди²³. Аммо кишлоп ахоли сонининг ўсиши юкори бўлганлиги учун 2017 йил 1 январь ҳолатига мамлакат шаҳар ахолиси кўрсаткичи бироз пасайди ва 50,6 фоизни ташкил этди²⁴. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (2-жадвалга каранг).

¹⁹ Демографическая ситуация в Республике Узбекистан // <https://stat.uz/ru/433-analiticheskie-materialy-pu/2055-demograficheskaya-situatsiya-v-respublike-uzbekistan>

²⁰ Rakhmatullaev Sh., Salimov Sh. Topical issues of demographic development and employment in Uzbekistan (late XX – early XXI centuries.) // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, Issue 9, September 2018, P. 9–15.

²¹ <http://www.lex.uvz.ac/acts/1486944>

²² Ўтиш даврида Ўзбекистондаги урбанизациянинг мухим омилларидан бири бўлиб маъмурий-худудий ислоҳот хизмат қилди. 2005–2009 йилларда Ўзбекистонда 2000 кишидан кам бўлмаган кишлоп аҳоли пунктлари инвентаризацияси ўтказилди. Уларнинг аксариятига шаҳар посёлкалари мақомини беришда миллий конунчилик тизими ҳамда аҳоли масалалари бўйича БМТ стандартлари хизмат қилди.

²³ Салиев А.С., Курбанов Ш.Б. Социальная инфраструктура малых территорий Узбекистана // Южно-Российский форум: экономика, социология, политология, социально-экономическая география. Ростов-на-Дону, 2015. № 1. 31-бет.

²⁴ Демографическая ситуация в Республике Узбекистан (2018 г.) // <https://stat.uz/ru/433-analiticheskie-materialy-ru/2055-demograficheskaya-situatsiya-v-respublike-uzbekistan>

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси шаҳар манзилгоҳлари ва урбанизация
даражасидаги ўзгаришлар (аҳоли сони, минг киши)²⁵**

Минтакалар	2008 йил			2009 йил			2015 йил		
	Шаҳарлар	шахарчалар	урбанизация дарражаси, %	шаҳарлар	шахарчалар	урбанизация дарражаси, %	шаҳарлар	шахарчалар	урбанизация дарражаси, %
Ўзбекистон Республикаси	119	114	35,8	119	1080	51,7	119	1085	50,7
Коракалпогистон Республикаси	12	15	48,5	12	27	50,4	12	26	49,5
Вилоятлар:									
Андижон	11	5	29,2	11	89	53,5	11	78	52,5
Бухоро	11	2	29,2	11	62	38,8	11	69	37,9
Жиззах	6	9	29,7	6	43	47,4	6	42	47,1
ди. Аниқланиши зарур бўлган масала, аҳоли шаҳар шароитидан келиб чиқиб ўзлигини унга мослаштиридими ёки аксинча, ўзининг эҳтиёжига мослаб шарт-шароит яратдими. Магнит буюмлардан енгил келганда унга караб харакатланишида вазн масаласи ётган бўлса, кишилар этномаданиятидаги ўзгаришларга қандай омиллар таъсир кўрсатади. Инсон маънавиятидаги ўзгаришларнинг негизида нималар ётади, унинг руҳи-яти ва хаётгга муносабати, қолаверса табиатга муносабатини аниқлаш замонавий шаҳар кишини ўрганишга имкон беради. Бир нарса аниқки, изланиш давомида ягона маконда яшаётган аҳолида ушбу шаҳар аҳолисига хос бўлган умуммаданий белгилар, жамоавий ўзига хослик хусусиятларга гувоҳ бўлинади. Саноат шаҳарларнинг ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим жиҳат шундан иборатки, турли этнослар бир-бирларига ўзга миллат вакили сифатида эмас, балки, бир корхонанинг ишчиси, кўшниси сифатида намоён бўла бошлайди. Илгари дехқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланган, кейинчалик шаҳарга кўчиб келган киши, эндиликда шу шаҳар аҳолиси каби ёғингарчиликнинг кам ёки кўплиги ҳақида деярли ўйламайди. Чунки унинг ракурсида турмуш тарзига жило берувчи жиҳатлар ўзгаради.

Ҳар бир миллатга хос бўлган шаҳарсозлик анъаналарини таҳлил этишда албатта, тарихий шаҳарларнинг ўрни бекиёс. Тарихий обидаларнинг архитектураси ушбу мерос эгаларининг этнологияси ҳақида жуда кўплаб маълумотларни беради. Шаҳарлар азалдан инсоннинг ўзлигини англашда ва уни намоён қилишда муҳим восита ҳисобланган. Жаҳон илмига ўз ҳиссаларини кўшган буюк аждодларимиз исмидаги ўзи яшаган макон номининг кўшиб эътироф этилиши бежиз эмас. Масаланинг иккинчи томонини кўрадиган бўлсак, тарихий шаҳарнинг замонавий аҳамияти нимадан иборат? Самарқанд, Бухоро, Хива каби бой ўтмишга эга шаҳарлар нафакат ўша шаҳар аҳолиси, балки, бутун бир миллат фахрига айланган. Миллий валютанинг миллийлигини ифодалашда ҳам бевосида уларнинг хизматидан фойдаланилмоқда. Юкорида фикрларимизда, бугун Ўзбекистондаги замонавий шаҳарсозликка оид концепцияларда миллий руҳнинг акс этиши масаласи жой олганлиги таъкидланган эди. Шундан келиб чиқиб, курилаётган замонавий турар жойлар ва бошқа маъмурий иншоотларда тарихий анъаналар, асосан, тарихий шаҳарлар архитектураси намуналаридан фойдаланаётганлигини айтиш ўринлидир. Тарихий обидаларимиздаги шаклларни ҳатто спортчилар либосларида миллий руҳни акс эттирувчи омил сифатида кўриш мумкин. **Тарихий масканнинг замонавий руҳини ҳис этиш** концепцияси шаҳар антропологиясини тадқиқ этишда кишилардаги миллий идентикикли-

нинг шаклланишидаги шаҳар феноменининг аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Анъаналарнинг тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ходиса эканлигидан келиб чикадиган бўлсак, **замонавий шаҳарга – анъаналар пайдо қилувчи макон** сифатига караш ўринлидир. Анъанага берилган таърифда унинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келиши таъкидланмоқда. Замонавий шаҳар киёфаси айнан, кишиларга шундай эҳтиёжларни тақдим этади. Янги муҳитга мослашиш жараёнида мавжуд анъаналар трансформацияга учрайди. Ислоҳ қилинган анъаналар вакт омили туфайли трансформацияга учраган анъана сифатидан шу шаҳар аҳолисига хос бўлган анъанага айлануб боради. Масалан, ўзбек халқи учун пишиқчилик даврида мева-сабзавотларни консервалаш крим татарлари олиб келган янгилик эди. Ҳозирда эса нафакат кишлок, балки шаҳар аҳолиси учун бу жараённинг аҳамияти қрим татарларидан кам эмас. Яъни анъанавийликдаги трансформациялар доимий аҳамият касб этмайди. Дастлабки даврдаги янгилик сифатидаги ролини узоқ борса кейинги модернизациягача саклаши мумкин. Шунинг учун маданиятдаги трансформация жараёнларини нисбий эканлигини қайд этиб, уни анъаналарнинг бошлангич нуқтаси сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Хуллас, шаҳар киёфасининг юқорида таҳлил этилган турли концепциялар ва таклиф этилган назариялар орқали қилинган талқинида, ўрганилаётган асосий обьект – бу инсон омилидир. Аҳолининг истеъмолчи, мослашувчи, ўзликни англовчи, инновациялар олиб кирувчи, анъаналарни ташувчи сифатида ўрганилиши, бу жараёнларнинг макон ва замон, турли этнослар кесимида таҳлили, айтиш мумкинки, этнологик тадқикотларда замонавий шаҳар антропологиясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

С. АНАРКУЛОВ**ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МАСАЛАСИГА ОИД
ЭТНОЛОГИК НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ**

Ушбу маколада замонавий шаҳар антропологиясига доир қарашлар, Ғарб мамлакатларидағи урбанизмнинг ривожланиши, замонавий шаҳарлар ва олимларнинг шаҳар муҳитида аҳолининг ижтимоий-маданий мослашуви масаласига доир назарий хуласалари таҳлил этилган.

Ўзбекистоннинг замонавий шаҳарлари, саноат шаҳарлари қиёфасини ўрганишнинг ўзига хослиги, унга доир ёндошувлар хусусида тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: Чикаго мактаби, экологик ёндошув, урбанизм, адаптация, шаҳар антропологияси, миграция, “ақлли шаҳар”, этник анклав, концепция.

С. АНАРКУЛОВ**АНАЛИЗ ЭТНОЛОГИЧЕСКИХ ТЕОРИЙ
ПО ВОПРОСУ СОВРЕМЕННОГО ГОРОДА**

В данной статье рассмотрены взгляды на современную городскую антропологию и проведен анализ теоретических выводов ученых о социокультурной адаптации населения в условиях развития городов в западных странах.

Также автором статьи даны некоторые рекомендации по теоретическим подходам изучения современных центров и промышленных городов Узбекистана.

S. ANARKULOV

ANALYSIS OF ETHNOLOGICAL THEORIES ON THE QUESTION OF THE MODERN CITY

This article considers the views on modern urban anthropology and analyzes the theoretical conclusions of scientists on the sociocultural adaptation of the population in the conditions of urban development in Western countries.

Also, the author of the article gave some recommendations on theoretical approaches to the study of modern centers and industrial cities of Uzbekistan.

МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ИССЛЕДОВАНИЮ СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ АДАПТАЦИИ ПОПУЛЯЦИИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНIZАЦИИ ГРОДОВЫХ ЦЕНТРОВ

В статье рассматриваются взгляды на современную городскую антропологию и анализируются теоретические выводы ученых о социокультурной адаптации населения в условиях городского развития в Западных странах. Автором даны некоторые рекомендации по методическим подходам к изучению гродовых центров и промышленных городов Узбекистана.

Еш тадкиқотчи минбари

Ёш тадкиқотчи минбари

Н. КАРИЕВА

XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР

XIX асрнинг биринчи ярмига кадар жаҳонда география фанида Ер шарининг контурлари, ундаги қитъалар ва уларнинг харитадаги ўрнини аниклаб бўлинган эди. Бироқ Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон худудининг географик хусусиятлари номаълум бўлиб қолаверди. Бу даврга кадар табиатшунос мутахассислар томонидан Ўрта Осиёнинг хариталардаги тоғ тизмалари, сув ҳавзалари, дарёлари асосан ўрта асрларга оид турли хужжатлар ва Хитой манбаларига асосланган ҳолда тасаввур этилган.

ХIX асрнинг биринчи ярмига оид рус тадқикотлари Ўзбекистон географиясининг тарихи учун катта аҳамият касб этди, бироқ улар содда усууллар кўлланган ҳолда олиб борилган ва тарқоқ характерга эга эди. Ушбу даврга келиб, минтака географиясига оид тадқикотлар факаттинга Сирдарёнинг кўйи оқими, Орол ва Каспий денгизи атрофларини ўрганилиши билан чегараланганд, муайян тизимга эга бўлмаган ва ягона илмий услубда олиб борилмаган эди¹. ХIX асрғача ўлканинг географиясига оид далилларга бой турли маълумотлар йиғилган, бироқ бу борада бирорта йирик илмий тадқикот яратилмаган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмидағи Россия империясининг геосиёсий мақсадларини ўша даврда Ўрта Осиё хонликларининг географик жиҳатдан қай даражада ўрганилиганинига кўриш мумкин. Мисол учун, XIX асрда Ўзбекистон худудидаги дастлабки географик тадқиқот 1800 йилда тоғ-кон мухандислари Т. Бурнашев ва М. Поспеловлар томонидан бажарилган. Россия империяси томонидан уюштирилган элчилик миссия йўналиши Семипалатинск шаҳри, Кирғиз чўли, Кўк тўмбок тоғлари, Бетпек чўллари, Чу дарёси, Коратоғ ва Тошкент худудларини ўз ичига олган. Экспедициянинг асосий мақсади Бухоро амирлиги ва Тош-

¹ Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч-2. 1856–1869 гг. Тошкент: САГУ, 1956. 4-бет

кент орқали Ҳиндистон билан савдо алокаларини ўрнатиш мақсадида ўлкани ҳар томонлама ўрганишдан иборат эди. Мутахассислар минтақадаги изланишлар давомида Тошкент худуди, Олатоғ, Туркистон, Чимкент, Тошкентнинг табиий шароитларига оид бир қанча маълумотларни берган². Ҳусусан, уларнинг ҳисоботларида Тошкентнинг 40 градус кенглик ва 88 градус узунликдаги майдонда жойлашганлиги, шаҳарни сув билан Чирчик дарёсидан сув оловчи иккита 20 “верст”дан иборат канал таъминлаши, тупроғининг унумдорлиги, шаҳардаги ҳосилдор ги-лос, узум, тут, ўрик, шафтоли боғлари, кўплаб бошқа дараҳтзорларнинг ёз кунлари одамларга хузур бағишлиши ва, айниқса, шаҳар бўйлаб ўтадиган сув йўллари ҳавонинг тозалигига яхши таъсир кўрсатаётганлиги баён этилган³.

Ўз навбатида, XIX асрнинг биринчя ярмига оид Хива ҳонлиги бўйлаб илк экспедиция ҳарбий кўмондон, элчи Н.Н. Муравьев номи билан боғлиқ. Экспедициянинг мақсади Россия билан Хива ҳонлиги ўргасидаги ўзаро савдо алокаларини мустаҳкамлаш бўйича келишув ишларини амалга ошириш, янги савдо йўлларини аниқлаш эди. 1819 йилда Н.Н. Муравьев раҳбарлиги остида амалга оширилган экспедиция натижасида Каспий денгизи шарқий соҳиллари ва Хива ҳонлигининг табиий шароитларига оид бир қанча маълумотлар йигилган. Олиб борилган кузатувларнинг илмий аҳамияти эса Хива ҳонлиги ҳариталарига янги ўзгаришларнинг киритилиши, Амударё оқимининг йўналиши, унинг ўлчовлари ва ўша даврдаги ҳолати бўйича аник маълумотларнинг тақдим этилишида эди. Жамланган маълумотлар асосида Н.Н. Муравьев 5 бобдан иборат тўплам яратди. Тўпламнинг 1 бобида муаллиф Хива ҳонлигининг худуди, географик ҳолати, иқлими, шаҳарлари (Хива, Янги Урганч, Кат, Гурлан), ҳонлик худудидаги кўллар, дарёлар, ўирик ва майда каналлар, кудуклар, хайвонот олами бўйича батафсил маълумотларни берган⁴. Тўпламнинг иккинчи бобида Хива ҳонлигига бўлиб ўтган ички низолар, давлат бошқаруви, қозилик масалалари жой олган. Учинчи боб ҳонликнинг иқтисодий ҳолати, тўртингичи боб – кўролли кучлар, бешинчи боб – ҳонлик аҳолисининг урф-одатлари, ўзига хос маданиятининг тафсилотларига бағишиланган.

² Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч. 2. 1856–1869 гг. Тошкент: САГУ, 1956. 4-бет

³ Ҳаныков Я. Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году // Вестник ИРГО., 1851. Ч. 1. 1–56-бетлар

⁴ Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819–1820 г. ген. штаба капитана Николая Муравьёва, посланного в сии страны для переговоров. С карт. черт. Москва, 1822. Ч. 1. 179-бет, Ч. 2. 144-бет

1841 йилда элчи К.А. Никифоров ва топограф А. Аитов томонидан Хива хонлиги худудига элчилик экспедицияси амалга оширилган эди. Улар олдига Хива хонлигининг табиий шароитларини ўрганиш, Орол дengизи ва унинг худуди харитасини яратиш вазифаси кўйилган эди. Натижада Хива хонлиги ва Орол бўйи худудларида олиб борилган кузатувлар жараённида экспедиция маршрутининг дастлабки харитаси яратилди. Кейинрок, 1845 йилда, ушбу экспедиция йўналиши харитаси Циммерманн томонидан Берлинда чоп этилган Хива хонлиги харитасига асос бўлди⁵.

1843 йил 1 августда Хивага уюштирилган элчилик миссиясида Г.И. Данилевский ва табиатшунос-рассом Ф.И. Базиннер иштирок этган. Саёҳат давомида улар Оренбургдан Устюрт ва Урганч орқали Хива хонлиги худудигача бўлган йўлни (Илек, Эмба, Чагон дарёлари бўйлаб Устюртдан Орол бўйигача) тавсифлаш билан бирга Кўхна Урганч, Тошовуз, Хива ва Ҳазорасп шаҳарлари ҳакида маълумотларни аниклаш ишларини давом эттирган ҳолда, метеорологик, геологик ва ботаник кузатувларни амалга оширидилар⁶. Тадқикотчилар олиб борган изланишлари натижасида Хива хонлигининг асосий харитаси ва Амударё бўйида яшовчи аҳолиси жойлашган худуднинг маҳсус харитаси, хонликнинг орогидрографик харитаси яратилди⁷.

1851 йилда Г.И. Данилевский ўз кузатувлари асосида “Описание Хивинского ханства”⁸ номли тўплам чоп эттириди. Унинг биринчи кисмида хонлик худудининг географик-гидрографик ҳолати, хусусан, Амударёнинг Кўк ўзак, Қора-бойли, Чуманай, Кўк дарё, Тўлдир дарё, Қозоқ дарё ирмоклари, Питнак, Полвон ота, Казовот, Шаховат, Қилич Ниёзбой, Қоракўз, Арпа, Хон каналлари, сунъий сугориш тизими ва ҳатто қуриб колган Ойбўгир, Оёқ ўл, Порсув сув ҳавзалари бўйича маълумотлар ёритилган. Г.И. Данилевский экспедиция босиб ўтган йўллар йўналиши харитасига кўшимча ўзгаришлар киритган ҳолда тўлдириб, тадқиқотчилардан биринчи бўлиб Шайх Жайли тоғлари бўйича даст-

⁵ Ханыков Я. Пояснительная записка к карте Аральского моря // Записки Русского географического общества. Т. 5. СПб., 1851. 336-бет; Берг Л.С. Аральское море. СПб., 1905. 71-бет.

⁶ Мушкетов И.В. Туркестан. Т. I. Санкт-Петербург: Типография М.М. Стасюкевича. 1886. 99-бет.

⁷ Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. Санкт-Петербург, 1877. 324-бет.

⁸ Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки РГО. Кн. V. Санкт-Петербург, 1851.

лабки ахборотни берди. Экспедицияда иштирок этган рассом Ф.И. Базиннер эса ўз ҳисоботида Оренбургдан Хивагача бўлган йўл бўйича маълумотлардан ташқари, Хива ҳонлиги табиий шароитининг тизимли характеристикаси, Хиванинг чегаралари, иклими, сув ҳавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид бир қанча янги маълумотларни тақдим этди⁹.

Маълумки, 1839–40 йилларда Хива юришида қатнашган М. Иванин ва В.И. Даль ўз кундаликларида Хива ҳонлигининг табиий ҳусусиятларини ўрганган. Ўз навбатида М. Иванин юришда иштироки жараённида ҳонликнинг Россия билан чегара ҳудудлари табиий жиҳатларини ўрганганлигини кузатиш мумкин. Ўз ҳисоботида бу минтақанинг иклими қуруқ, иссиқ ва давомий характеристерга эгалиги, бу ерларда қиши мавсуми қисқа ва мўътадил бўлиши, Амударё ва Сирдарёда сувларидан ташқари чўлларда чучук сувнинг йўклиги, тупроқнинг баъзи жойлари тошли, бошқа жойлари эса кумли ҳусусиятларга эгалигини қайд этган¹⁰. М. Иваниннинг Хива ҳонлиги табиий шароитларига оид илк мақоласи “Журнал мануфактур и внутренней торговли”¹¹ журналида чоп этилган эди.

Хива юришида иштирок этган машхур рус олими, шифокор, филолог В.И. Даль ҳам 1839–1840 йиллардаги ҳонликнинг чегаралари харитасини тузган ва бу харитани географ Я. Ханиковга тадқим этган. Кейинчалик Я. Хаников В.И. Дальнинг харитасидан фойдаланган ҳолда “Сведения о путях в Хиву” номи остида ўша даврда кенг оммада машхур бўлган илмий мақолани чоп эттириди¹².

XIX асрнинг бошларидаги Россия империяси учун географик жиҳатдан Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Бухоро амирлиги ҳам катта кизиқиши уйғотган. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, бу даврда Бухоро амирлиги худуди орқали Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари ўтганлигига эди. Бундан ташқари, Бухоро савдогарлари Россия бозорларида фаол иш олиб борганлигига эди. Шу муносабат билан Россия империясининг хукумати айни даврда Бухоро амирлигига ўз вакилларини тез-тез юбора бошлаган.

⁹ Мушкетов И.В. В предгорьях Памира и Тяншаня. Великие русские путешественники. Москва: Эксмо., 2016. 95-бет

¹⁰ Ўшағасар. 12-бет

¹¹ Иванин М. Описание зимнего похода в Хиву в 1839–1840 году. Санкт-Петербург, 1874.

¹² Ханыков Я. Пояснительная записка к карте Аральского моря // Записки Русского географического общества. Т. 5. СПб., 1851.

XIX асрда Бухоро амирлигининг географик хусусиятлари борасидағи дастлабки изланишларни 1820 йилда А. Негри¹³ бошчилигидаги элчилик экспедициясида иштирок этган Е.Г. Мейендорф¹⁴, Э.А. Эверсман¹⁵ ва Х. Пандер¹⁶ бошлаб берди. А. Негри экспедицияси Оренбургдан Қоракум чўллари оркали Сирдарёгача, у ердан Когон кишлоги оркали Бухорга етиб келган.

Бухорода Зой давомида олиб борилган кузатувлар натижасида тадқиқчилар томонидан ушбу йўналишининг харитаси яратилган. Экспедиция якунида эса иштирокчилар ўз ҳисоботларида Бухоро амирлигининг табиатига оид материалларни тақдим этишдан ташқари, Орол денизининг куриб бораётганлигини аниқлаганлиги ҳақида баёнот бердилар.

XIX асрнинг бошларида Негри экспедициясида иштирок этган тадқиқчилар томонидан бир қанча илмий мақола ва асарлар эълон нашр этилди. Экспедицияда иштирок этган Г. Мейендорф Оренбургдан Бухорогача бўлган йўлнинг ва Бухорга оид илк хариталарни яратди. 1820 йилда “Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году” асари 1826 йилда Франция пойтахти Парижда нашр этилган¹⁷. Асар 5 жилдан иборат бўлиб, 2 жилда Ўрта Осиё ҳақидаги – унинг чегаралари, ик-

¹³ Негри Александр Фёдорович. 1785–1854. Одесс тарих ва қадимшунослик жамиятининг президенти, ёзувчи, археолог. Миллати юонон. 1806 йилда Россияяга кўчиб келиб, Россия ташки ишлар вазирилигига маслаҳатчи лавозимида ҳизмат килган. 1818 йилда Эронга юборилган элчилик экспедициясида иштирок этган. 1820 йилда Бухорога юборилган элчилик экспедициясини бошқарган. Натижада Бухоро ҳукумати билан олиб борилган музокара ва ёзишмаларни Россия ҳукуматига етказган. Россиянинг Туркия билан олиб борган урушида иштирок этган. 1837 йилда Одессага кайтиб тарих ва қадимшунослик жамиятида фаолият юритган (Русский биографический словарь. СПб., 1914. 188–190-бет).

¹⁴ Мейендорф Егор Казимирович (1794–1879) – топограф, табиатшунос. А. Негри бошчилигидаги элчилик миссиясининг иштирокчиси. Бухоро амирлиги худудини дастлабки рекогносцировкасини тузган. 1820 йилда Парижда нашр этилган “Voyage d'Orenbourg à Boukhara fait en 1820, à travers les steppes qui s'étendent à l'est de la mer d'aral et au-delà de l'ancien jaxartes” асар муаллифи. 1820 йилда Бухоро ҳаритасини тузган.

¹⁵ Эверсман Эдуард Александрович (1795–1870) – шифокор, зоолог. 1920 йилда шифокор сифатида А. Негри экспедициясида иштирок этган. Экспедиция давомида Бухоро хонлигининг йирик зоологик тўпламини яратган. Россия империяси, Оролбўйи, Каспий, Кавказ худудларида ўсимлик ва хайвонот дунёсини дастлабки тадқик этган олимлардан бири. Заарали хашаротларга қарши биологик кураш ғоясининг дастлабки муаллифи.

¹⁶ Пандер Христиан (1794–1865) – немис биологи, палеонтолог. 1820 йилда А. Негри экспедициясида катнашган.

¹⁷ Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч. 2. 1856–1869 гг. Тошкент: САГУ, 1956. 34-бет.

лими, тоглари, дарёлари, Орол денгизи¹⁸ бўйича географик маълумотлар тизимлаштирилган. Махаллий аҳоли билан олиб борилган сухбатлар асосида Хива, Кўқон, Қашғар, Ромитон, Ҳисор, Кўлоб, Бадахшон шаҳарлари, Балхдан Қобулгача ва Бухордан Ҳиротгача йўллар ҳакида маълумотлар берилган. Г. Мейендорфнинг учинчи китоби Бухоро хонлигининг тавсифига бағишлиланган, Марв, Чоржўй, Коракўл, Вобкент, Фиждувон, Самарканд, Кармана, Каттакўрғон, Қарши шаҳарлари ва айниқса Бухоронинг¹⁹ табиий шароитлари бўйича кўп маълумотлар ёритилган. Ушбу асар Бухоро амирлигининг географик жойлашуви, табиий шароитини ўрганиш борасида узоқ йиллар давомида бошқа тадқиқотчилар учун манба сифатида хизмат қиласланлигини қайд этиш лозим²⁰.

Саёҳат жараёнида Э. Эверсманн барча кузатувларини олиб борган холда Бухоро атрофидаги тоғларнинг геологик таркиби билан бирга у худуддаги барча ҳайвон ва ўсимликлар турларини аниқлаган эди. Қизилкум чўлларида тури ҳашаротлар хусусиятларини яхши ўргангандан Эверсман илк бор ўз ҳисоботларида заарали ҳашаротларга карши биологик курашни тавсия этган эди. Э. Эверсманнинг “Путь из Оренбурга в Хиву”²¹ асари 2 қисмдан иборат бўлиб, асарнинг биринчи қисми маҳаллий (қозоқ миллатига мансуб) аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, Жондарё худудидаги шаҳарлар тавсифи билан бирга Бухоро амирлиги худудидаги тоғларнинг орографик, геологик характеристикаси, худуддаги фойдали қазилма бойликлар, Қизил кум чўлининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ҳавзалари ёритилган²².

Х. Пандер Бухоро амирлиги ерлари хусусида кумли баландликлар ва адирликлардан иборат, тупроғи эса лойли деган холосага келган. Нурота тоғларининг юзаси кум билан қопланган, вакт ўтиши билан эса бу

¹⁸ Махаллий қозоқ халқининг айтиши бўйича Орол денгизи ўша даврни ўзидаёк куриб бораётганди.

¹⁹ Бухоро тарихи, унинг кўчалари, саройлари, хонадонлар, миноралар, масжидлар, карвон саройлар ҳакида маълумотлар берилган. Бухоронинг ахолисининг таркиби (тожик, ўзбек, яхудий, афғон, хинд, эроний ва руслар) ёритилган. Бундан ташкари, кишлоказхўжалик, сугориш тизими, чорвадорлик савдо-сотик (Россия, Қашғар, Қашмир, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Кўқон, Тошкент билан олиб борилган) маълумотлар мавжуд.

²⁰ Савельев П. Бухара в 1835 году. Санкт-Петербург: Типография Н. Грача, 1836. 22-б.; Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. Санкт-Петербург, 1843. 30-бет.

²¹ Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч-2. 1856–1869 гг. Тошкент: САГУ, 1956. 36-бет.

²² Мушкитов И.В. В предгорьях Памира и Тяньшаня. Великие русские путешественники. Москва: Эксмо, 2016. 84-бет.

кумлар Бухоронинг ҳосилдор боғлари ва далаларини пароканда қилиши мумкин деб таъкидлаган²³.

А. Негри экспедицияси Зарафшон ҳудудидаги илк энг йирик экспедиция эди. Экспедиция кузатувлари чукур илмий таҳлил қилинмаган, тизимлаштирилмаган бўлса-да, улар ўлка географиясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу даврга қадар Зарафшон ҳудудидаги географик тадқиқотларга нисбатан Эверсманн, Мейендорф, Пандерларнинг илмий ҳисоботларидаги минтақа табиати, орографик ва геологик ҳолати, гидрографияси, ўсимлик ва ҳайвонот оламига оид маълумотлар батафсил ёритилганлиги билан фарқланади. Кейинги даврларда ушбу кузатувларнинг натижалари бошқа олимлар томонидан чукур таҳлил килиниб, Зарафшон географиясига оид янги илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилди. Мейендорфнинг асарига илова сифатида берилган харита эса Амударё ва Сирдарё ҳудуди бўйича мазкур даврга оид географик билимларнинг анча такомиллашганлигидан дарак беради. Харитада ҳудуддаги сув ҳавзалари, дарёларнинг қуриган ирмоқлари, сунъий каналлар, саксовул ўрмонлари, чўллар, хусусан Бухоро атрофидағи Қоракўл, Бозорчи ҳудудлари аник кўрсатилган.

1833 йилда генерал В.А. Перовскийнинг²⁴ кўрсатмасига биноан Бухоро ҳудудига маҳсус топширик билан айғоқчи зобит И. Виткевич юбориши режалаштирилган эди. Тез вақт орасида Бухородаги саёҳат давомида минтақанинг муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатлари бўйича маҳсус маҳфий йўлланма ҳам ишлаб чиқилди²⁵. Бироқ ҳукумат томонидан рад жавоби олингач И. Виткевич ўрнига маҳаллий туркий тилларни яхши эгаллаган шарқшунос П. Демезон²⁶ юборилган. 1833–1834 йиллар давомида у Мирзо Жаъфар исмли татар мулласи сифатида Бухорога сафар килган. Унинг асосий вазифаларига мамлакатдаги иқтисодий аҳвол билан бирга Бухоро амирлигининг табиий бойликлари, географик хусуси-

²³ Райков Б.Е. Христиан Пандер – выдающийся биолог-эволюционист. Москва–Ленинград: Наука, 1964. 34-бет.

²⁴ Перовский Василий Алексеевич (1795–1857) – машҳур ҳарбий амалдор, генерал. 1833 йилдан Оренбург губернатори. 1851 йилда унинг ташаббуси билан Орол флотилияси ўрнатилган. 1853 йилда Оқ-масжидни (кейинрок, 1922 йилгacha, Перовский деб аталган) эгаллашда муҳим роль ўйнаган. 1839–1840 йилларда Хива юриши, 1853 йилда Кўкон юришида раҳбарлик килган.

²⁵ Демезон П. Записки о Бухарском ханстве. Санкт-Петербург, 1834. 2-бет.

²⁶ Демезон Пётр Иванович (1807–1873) – шарқшунос-профессор. 1829 йилда Қозон университетини тамомлаган. 1831 йилдан таржимон сифатида Оренбург ҳарбий ўкув юритида шарқ тиллари муаллифи сифатида фаолият олиб борган. 1833–1834 йилда Бухорога юборилган. 1836–1856 йиллар давомида Санкт Петербургда Ташки ишлар вазирлиги хузуридаги Осиё департаментида турк тиллари кафедрасини бошкарган.

ятларидан имкон қадар батафсил маълумотлар йиғишдан иборат эди²⁷. У 1833 йилнинг охирида бошланган сафар давомида кўрсатилган вазифаларни бажарган ҳолда, 1834 йилнинг июль ойига қадар Бухоро ҳонлигида бўлиб, Бухорогача бўлган йўл тафсилотлари, тупроғи, дарёлар, чўллар хақида имкон қадар батафсил маълумотларни ёзib борган. Бухоронинг табий шароити бўйича маҳсус жадвал тузиб Аччик камар, Сирдарё, Кувондарё, Вобкент худудларининг сув таъминоти, ерларининг хусусияти, ўсимликлари турларини тавсифлаб чиккан²⁸. Бухоро шахри 41 ва 37 шимолий кенгликтаги, 60 ва 66 шарқий узоқликдаги географик худудни эгаллади, майдони 10 минг квадрат милдан иборат дея қайд этган²⁹.

1835 йилда эса Россиядан Бухорога юборилган савдо карвони таркибида айғокчи И. Виткевич ҳам сафар қилган, бирок унинг ҳисоботи расмий нашрларда чоп эттирилмаган эди. Бунинг асосий сабаби бир йилдан сўнг ватанига қайтаётган пайтда номаълум сабабаларга кўра унинг ўз жонига қасд қилганлигига эди. Шу боис унинг ҳисоботини 1836 йилда В.И. Даль тайёрлаган эди. И. Виткевичнинг ҳисоботида Бухоронинг табий ҳолатига оид маълумотлар баён этилган. Хусусан, у Бухоронинг майдони, Зарафшон дарёсининг хусусиятлари, ҳосилга бой боғлар, мева турлари бўйича сўз юритади³⁰.

1841 йилда Оренбургдан Бухорога йўл олган К. Бутенёв эскспедицияси Негри экспедицияси юрган йўналиши орқали Коракум, Орол денгизи, Кизилкум, Вобкент, Бухоро, Баҳовуддин, Кармана қишлоклари, Каттакўрғон, Чимбой, Самарқанд ҳудудлари бўйлаб саёҳат қилган. Унда элчи, тоғ-кон муҳандиси К.Ф. Бутенёв³¹, географ Н. Хаников³², тоғ-кон

²⁷ Худди шундай топширик Негри экспедициясининг асосий дастурига ҳам киритилган эди.

²⁸ Савельев П. Бухара в 1835 году. Санкт-Петербург: Типография Н. Грача, 1836. 5-бет.

²⁹ Записки о Бухарском ханстве (Отчёт П.И. Демезона и И.В. Виткевича). Серия «Центральная Азия в источниках и материалах XIX – начала XX веков». Москва: Наука, 1983. 5-бет.

³⁰ Мушкетов И.В. В предгорьях Памира и Тяншаня. Великие русские путешественники. М.: Эксмо, 2016. 91-бет.

³¹ К.Ф. Бутенёв (1805–1869) 1826 йилда Тоғ-кон ҳарбий корпусини тамомлагач, олтин ишлаб чиқарувчи заводда хизмат қилган. Германияда (Фрейберг тоғ-кон академияси) олтин конларини ўрганиш бўйича малака оширган. Германия, Венгрия, Трансильванияда олтин конларини ўрганган. 1832 йилда Тоғ-кон институтида дарс берган. 1838 йилдан бошлаб “Мануфактурные и горнозаводские известия (Мануфактура ва тоғ-кон заводлари ҳабарлари” журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган. 1841 йилда элчи сиккатида Бухорога юборилган. 1843 йилда зарбонада хизмат қилган. 1852 йилда Петербург технологик институтининг директори сифатида фаолият олиб борган. 1858–1863 йилларда Петербург зарбонасининг бошлиги бўлиб хизмат қилган.

³² Н.В. Хаников (1822–1878) 1838 йилдан ўз фаолиятини Ташки ишлар вазирилигига таржимон сифатида бошлаган. 1839 йилда Оренбург ҳарбий губерниясида маҳсус топшириклар бўйича бош амалдор бўлиб хизмат қилган. 1839–1840 йилларида Хива экспедициясида қатнашган. 1845 йилда Кавказортида археологик изланишлар олиб борган. 1858 йилда Афғонистонга илмий экспедицияни бошкарган.

мухандислари А. Леманн³³ ва Н. Богословскийлар иштирок этган. Экспедицияни Сирдарё худудигача генерал И.Ф. Бларамберг³⁴ кузатиб борган эди. Бухорогача етиб келгач К. Бутенёв шаҳарда қолган, Н. Хаников, А. Леманн ва Н. Богословскийлар эса ўз сафарини Самарқанд, Зарафшон водийси ва Искандар кўлда давом эттирган. 1842 йилда саёҳатчилар Бухородан ўз ватанига қайтган. Экспедиция таркибида бўлган табиатшунос А. Леманнинг Бухоро экспедициясида олиб борган тадқиқоти Самарқанд ва Бухоронинг геологик характеристикасини тавсифлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳашарот турларини аниқлашдан иборат бўлган. Кейинчалик тадқиқот материалларидан немис олимлари Брандт (умуртқали ҳайвонлар таснифи), Менетрис (ҳашарот турлари), Бунге (ботаника) кенг фойдаланди³⁵.

1842 йилда Н.В. Хаников Бухоро экспедициясида олиб борилган кузатувлар натижаси бўйича “Описание Бухарского ханства” асарини нашр эттириди. Унинг Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон географиясига оид бир қанча мақолалари Россия императорлиги география жамиятининг хабарлари саҳифаларида ўз аксини топган. Жумладан, 1851 йилда “Орол дengизи ва Хива хонлигининг худудлари харитасига аниклик киритувчи ҳат”, “1854 йилда астрономик кузатувларида Марказий Осиё шимоли-ғарбий худудининг аник харитаси” деб номланган мақолалари эълон қилинган. Ушбу маколалар 1851 йилда Россия империяси география жамияти томонидан чоп этилган энг кўп далилларга бой мақолалардан бири ҳисобланди³⁶. Н. Хаников ҳам Бухоронинг топографияси, орографияси, гидрографияси, табий маҳсулотлари, иқлими, ахолиси, ва ҳатто ер кимирлашлар ҳакида маълумотларни жамлаган ҳолда бир қанча илмий мақолаларни чоп эттирган³⁷.

³³ А.А. Леманн (1814–1842) ўз даврининг машҳур тоғ-кон муҳандиси, 1837 йилда Дерпт университетининг табий-тарихий факултетини тамомлаган. 1838 йилда Оренбург ўлкасини ўргана бошлади. 1839 йилда Хива юришида қатнашганда каспий дengизи бўйича бой маълумотларни тўплаган. 1841 йилда Бутенёв экспедициясида иштирок этиб Бухоро атрофида изланишлар олиб бориб Зарафшон дарёсининг ирмогига етиб борган.

³⁴ Бларамберг Иван Фёдорович (1800–1878) – генерал-лейтенант, «Ҳарбий топография» бошқарма бошлиги.

³⁵ Мушкетов И.В. В предгорьях Памира и Тяньшаня. Великие русские путешественники. Москва: Эксмо, 2016. 91-бет.

³⁶ Веселовский М. Н.В. Ханыков // Русский биографический словарь. Санкт-Петербург, 1901. 156-бет.

³⁷ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843; Ханыков Н. О населении Киргизских степей, занимаемых Внутренней и Малой орды // Журнал Министерства внутренних дел. Санкт-Петербург, 1844. Ч. 8. № 10. 3–60-бетлар; Ханыков Н. Очерки Бухары. // Отечественные записки. Санкт-Петербург, 1843. 26-бет; № 2. 86–91-бетлар.

1858 йилда Бухоро ва Хива худудига Россия элчиси Н. Игнатьев³⁸ бошчилигидаги элчилик экспедицияси юборилган. Унда ҳарбийлар Н. Залесов, А.И. Бутаков, А.Ф. Можайский, Ташки ишлар вазирлиги амалдори М.Н. Галкин, астроном К.В. Струве, географ П.И. Лерх иштирок этган. Экспедиция натижасида иштирокчилар томонидан Қорақалпогистон худуди (Мангишлок) орқали Хивагача бўлган йўл (карвон йўли), Козоғистон чўллари орқали Бухоро, Кўкон, Шаҳрисабз, Чоржўй, Тошкенттагача бўлган йўлларга оид маълумотлар берилган. Экспедиция жараёнида Хива ҳонлиги ва Бухоро амирлиги бўйича дастлабки метеорологик кузатувлар олиб борилган.

XIX асрнинг муҳим қашфиётларидан бири географ И.Г. Боршов номи билан боғлиқ. У Орол-Каспий пасттекислигини ўзига хос иқлим, тупроқ, ҳайвонот ва ўсимлик оламига эга бўлган алоҳида мустакил географик худудга ажратди. Бундан ташки, у Туркистонни алоҳида худуд сифатида географик жиҳатдан ўрганди. Минтақадаги ягона иқлим худуднинг тупроғи, ўсимлик, ҳайвонот олами, чўлларининг (Зарафшон худуди) хусусиятларида акс этиши мумкинлигини таъкидлади³⁹.

XIX асрнинг биринчи ярмида Россия империяси Кўкон ҳонлигининг табиий шароитини ўрганишга ҳам эътибор қарата бошлиган эди. Бу даврга келиб Россия империясида илфор давом этаётган иқтисодий таракқиёт мамлакатда ички савдонинг кенгайиши Ўрта Осиё билан ташки иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ўрнатилишга туртки бўлди. XIX асрда Россия империяси минтақанинг табиий бойликлари, ресурслари ҳакида тўлиқ маълумотга эга бўлиш максадида Ўрта Осиё худудига турли экспедиция ва саёҳатчиларни юборган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Кўкон ҳонлиги худудига Россия империяси томонидан юборилган илк саёҳатчилардан бири қобилиятли таржимон Ф. Назаров бўлган. 1813–1814 йилларда у Россия империяси ҳукумати томонидан Кўкон ҳонлигига юборилган. Бу борада таникли географ И.В. Мушкетов: "...У Петропавловскдан бутун Қирғиз чўлини кечиб ўтиб Орол ва Балхаши кўллари орқали Тошкентта етиб келган, Фарғона вилоятларида саёҳат килган ҳолда, Кўкон ҳонлигининг бошқа-

³⁸ Н.Г. Игнатьев (1828–1896) Оренбург ҳарбий корпусида, 1850–1853 йилларда Ҳарбий академияда тахсил олган. 1856 йилда Оренбург ҳарбий батальонининг бошлиғи сифатида ҳизмат килган. 1892 йилда Никофоров ва Данилевскийнинг Хивага экспедицияси ҳакида, Россия ва Бухоро ҳонлиги ўртасидаги элчилик алоқалари бўйича Россиянинг "Военный сборник" журналида бир қанча илмий маколанинг муаллифи.

³⁹ Лебедев Д.М., Есақов В.А. Русские географические открытия и исследования с древних времён до 1917 г. Москва: Мысль, 1971. 421-бет.

рув-маъмурий тизими, шаҳарлари, иқтисодий ҳолати билан бирга географиясини ҳам ёритган”⁴⁰ – дея кайд этган.

Ф. Назаров Кўқондаги кузатувларини ўз “сафарномаси”га ёзиб борган эди. 1821 йилда эса Санкт Петербургда ушбу маълумотлар бўйича унинг тўплами нашр этилди⁴¹. Сафарномада Ф. Назаров Кўқон хонлиги шаҳарлари – Сузак, Тошкент, Хўжанд, Наманган, Андижон, Марғилон, Янгиқўрғон, Ўратепа шаҳарларининг иқлими, географик жойлашуви, чегаралари, тупрок хусусиятлари, ўсимлик дунёсига оид маълумотларни содда усулда қисқача баён этган. Бундан ташқари, у Чирчик дарёси сувларининг тезокар ва мусаффолиги, водий атрофидаги тоғлар, уларнинг атрофидаги кўплаб мева дарахтлар, бой ўрмонлар, булоқлар, ўсимлик ва ҳайвон турлари бўйича⁴² ҳам сўз юритган. Кўқон шаҳри хусусида эса иқлимининг ўта иссиклиги, шарқка яқинлашган сари ҳарорат янада кўтарилиши, жазира маънави тонг саҳардан то кечки соат 5 гача давом этиши, бундай хаво ҳатто кушларнинг бу ерлардан узокларга учеб кетишига мажбур қилиши, қиши мавсуми бўлмаслиги, тунлари коронгу ва бироз совук бўлганинига хакида маълумотлар берган⁴³.

1829–1830 йилларда рус сайёхи, зобит Н. Потанин⁴⁴ Фарбий Сибирь генерал-губернатори И.А. Вельяминовнинг маҳсус топширигига биноан Кўқонга юборилган элчилик экспедициясини бошқарган. Сафар натижасида у Кўқон хонлиги худудигача бўлган йўл сурати ва илк топографик ҳаритани тайёрлади. 1831 йилда ушбу сафар таассуротлари “Записки о Кокандском ханстве хорунжего Н.И. Потанина” рисоласидан жой олди. У дастлаб кичик мақолалар рукни сифатида Россия империясининг “Военный сборник” журналида 1831 йилда чоп эттирилган⁴⁵. Ушбу мақолаларда у Еттисувдан Мирзачўл худудигача босиб ўтилган йўл, Тошкент, Чимкент, Кўқон шаҳарларининг иқлими, чегаралари, худудидаги тоғлар хақидаги маълумотлар ўз аксини топган⁴⁶.

⁴⁰ Мушкетов И.В. Туркестан. Т. 1. Санкт-Петербург: Типография Стасюкова, 1886. 80-бет.

⁴¹ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии, отдельного Сибирского корпуса переводчика, посланного в Кокант 1813–1814 годах. Санкт-Петербург: Академия наук, 1821. 98-бет.

⁴² Ўша жойда.

⁴³ Ўша жойда.

⁴⁴ Николай Потанин (1801–1860 йй) – топограф, ҳариташунос, Марказий Осиёда илк географик тадқиқотларни олиб борган, Сибирь ҳарбий казаклар кўшининида ҳизмат қилган.

⁴⁵ Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию (1882–1886). Ч. 4. Тошкент: САГУ, 1972. 42-бет.

⁴⁶ Грум-Гржимайло Г.Е. Сведения о посещении Памира в 1887 г. // Отчет русского географического общества. Т. 23. Санкт-Петербург, 1888. 28-бет.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон худудида олиб борилган экспедицияларни бир канча турларга ажратиш мумкин:

1. Элчилик миссиялари;

2. Ҳарбий миссиялар;

3. Якка тартибдаги маҳсус миссиялар;

4. Илмий экспедициялар.

XIX асрнинг биринчи ярмига оид элчилик миссияларига М. Поспелов, Т. Бурнашев (Хива ҳонлиги, Бухоро амирлиги 1800 йил), Ф. Назаров (Қўқон ҳонлиги 1813–1814 йиллар), Бухоро амирлигига А.Ф. Негри (Бухоро амирлиги 1821 йил), Н.И. Потанин (Қўқон ҳонлиги 1829 йил), Никифоров (Хива ҳонлиги 1841 йил), Бутенёв (Хива ҳонлиги 1842–1843 йиллар), Данилевский (Хива ҳонлиги 1843) экспедицияларини киритиш мумкин.

Бухоро амирлиги худудига якка тартибда юборилган маҳсус миссия 1833–1834 йилларда П. Демезон, сўнг 1835 йилда И. Виткович томонидан амалга оширилган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмига оид илмий экспедициялар каторига 1825–1826 йилларда Амударё худудига уюштирилган Эйхвальд, 1846 йилда Оролбўйи худудига юборилган Б.Ф. Лемм, 1848–1850 йилларда Орол дengизи, Сирдарё ва Амударё худудларида олиб борилган экспедициялар киради.

XIX асрнинг биринчи ярмига оид ушбу экспедицияларни аксарияти дипломатик ҳаркаторга эга эди.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан кўриниб турибаки, XIX асрнинг биринчи ярмида Россия империясининг Ўрта Осиёга уюштирган экспедицияларининг аксарияти асосан Бухоро амирлиги ва Хива ҳонлиги худудига юборилган. Бу эса Россия тадқиқотчилари томонидан ҳар иккала худуднинг географик томондан бошқа худудларга нисбатан чукурроқ ўрганилишига турткى бўлган. Минтакашунослик⁴⁷ фани нуктаи назаридан ҳам ушбу тадқиқотларни илмий аҳамияттага эга деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, ушбу тадқиқотларнинг ҳар бири яхлит ҳолда, бир канча мутахассислар – шарқшунослар, топографлар, табиатшунослар, геологлар, геодезиячилар жалб қилинган ҳолда амалга оширилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон худудида олиб борилган барча экспедиция ва саёҳатлар Россия империясининг сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уюштирилганлиги сир эмас. Экспедиция-

⁴⁷ Алимова Д. Проблемы региональной истории Узбекистана в контексте новых методологических подходов. Доклад на I республиканской научной конференции «Зарафшон вохаси жаҳон цивилизацияси тарихида. Самарканд. 2018.

лар ва саёхатлар давомида ўлканинг табиий шароитига оид бой маълумотлар йиғилди, география фанига доир янги билимлар вужудга келди, бу эса минтақа географиясини ўрганиш бўйича кейинги тадқиқотларга пойдевор бўла олди.

Н. КАРИЕВА

XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН

ХУДУДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР

Мақолада тарихий адабиётлар асосида Ўзбекистон худудида XIX асрнинг биринчи ярмида рус тадқиқотчилари ва саёхатчилари томонидан олиб борилган географик изланишлари масаласи кўриб чиқилган. Муаллиф ушбу даврга оид географик изланишлар минтақашунослик нуқтаси назаридан ҳам мухим ўрин эгаллашини эътироф этиш лозимлигини қайд этиб ўтган. Бундан ташқари, мақолада XIX асрнинг биринчи ярмида Россия империяси томонидан Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Кўқон хонлиги худудига ўюштирилган саёхатлар, элчилик миссиялари ва экспедициялар жараённида олиб борилган кузатувлар мисолида минтақанинг географияси ўрганилиши таҳдил қилинган.

Калим сўзлар: географик тадқиқотлар, дипломатик миссиялар, саёхатлар, экспедициялар, Россия империяси, Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, саёхатчилар сафарномалари, “Ершунослик”, Сирдарё, Амударё.

Н. КАРИЕВА

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ

УЗБЕКИСТАНА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА

В статье на основе научной литературы рассматривается вопрос географических изысканий русских исследователей и путешественников на территории Узбекистана в первой половине XIX века. Автор отмечает значение географических исследований данного периода с точки зрения науки регионоведения. В статье также анализируется вопрос изучения региона в целом на примере проведенных наблюдений в процессе путешествий, дипломатических миссий и экспедиций в Хивинском ханстве, Бухарском эмирате и Кокандском ханстве.

N. KARIEVA — фахівець, педагогічний центром якого є Кіровська міська дитячо-юнацька спортивно-оздоровчий комплекс.

THE GEOGRAPHICAL RESEARCH ON THE TERRITORY OF UZBEKISTAN IN THE FIRST HALF OF THE XIX CENTURY

The article, which is based on scientific literature, addresses the issue of geographical surveys of Russian researchers and travelers in Uzbekistan in the first half of the XIX century. The author noted the importance of geographic research of this period from the point of view and science of regional studies. The article also analyzes the issue of studying the region as a whole on the example of observations which were made during the travels, diplomatic missions and expeditions in the Khiva Khanate, the Bukhara Emirate and the Kokand Khanate.

М. АЗИМБАЕВ

МУСТАМЛАКА ДАВРИДА ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИННИГ АНЬАНАВИЙ ТАЪЛИМГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, империя маъмурлари олдида ўлка худудида асрлар давомида фаолият юритиб келган анъанавий таълим тизимини тугатиш ёки унинг фаолиятини ўз манфаатларига бўйсундириш вазифаси юзага келди. Мазкур мақсадга Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман томонидан илгари сурилган “аралашмаслик” тамойилига асосланган сиёсат юритиш орқали эришиш режа қилинган бўлса-да, амалда мусулмон мактаб ва мадрасалар фаолиятига тизимли равишда аралашиб борилди.

Империя маъмурлари анъанавий таълимга нисбатан маҳаллий ахоли орасида катта таъсирга эга, келажакда турли норозиликларга сабаб бўладиган омиллардан бири сифатида караб, унга давлат сиёсати дараҷасида эътибор берган. Буни куйидагилардан билиб олиш мумкин бўлади: биринчидан, дастлаб Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман бу масалага шахсан эътибор қаратиб, уни узоқ вақт ўрганди ҳамда ўзга миллат таълими мутахассислари, шарқшунослар билан маслаҳатлашган ҳолда “аралашмаслик” тамойилига асосланган сиёсатни жорий этди. Кейинги генерал-губернаторлар ҳам мазкур тамойилга гоҳида амал килиб, гоҳида амал қилмаган ҳолда сиёсат юргизишида давом этди.

Иккинчидан, анъанавий таълимга оид империя даражасидаги Конунлар, Туркистон генерал-губернаторининг фармойишлари қабул килинди. Айнан шу хукукий хужжатлар асосида уни бошқаришга ҳаракат килинди.

Учинчидан, мактаб ёки мадраса билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган барча масалалар қатъяян ўлка раҳбарининг ижозати билангина ҳал этилган.

1876 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлиги худудида жойлашган мактаб ва мадрасалар қонуний жиҳатдан Туркистон ўқув муассасалари бошқармаси ихтиёрига топширилгач, маориф соҳаси вакиллари жумладан, В.П. Наливкин, Н.П. Остроумовлар томонидан ушбу таълим масканлари ҳақида газета ва журналларда кўплаб мақолалар нашр эттирилди. Уларда мусулмон мактабларга нисбатан қолок, сиёсий жиҳатдан хавфли деган салбий тавсифлар бериб борилди. Хусусан, маҳаллий мактаблар фаолияти империя манфаатларига зарарли

эканлигини таъкидлаб, улар устидан кучли назорат ўрнатиш ва таълим жараёнига рус тили ўқитилишини жорий этишни таклиф этдилар. Кучли назорат ўрнатилгач эса, маориф соҳаси вакиллари метрополияда чоп этиладиган журналларда анъанавий таълим муассасалардаги ички келишмовчиликларга ўз эътиборларини қаратдилар.

Хусусан, Туркистон ўкув муассасалари бошқармаси тизимида узоқ йил фаолият олиб борган Н.П. Остроумов “Мадрасы в Туркестанском крае”¹ номли мақоласида ўлқадаги мадрасаларнинг ички ҳаётида ҳамон тартибсизликлар мавжудлигини таъкидлаб, Марғилон уезди, Бурмиш қишлоғида жойлашган мадрасанинг катта мударриси ўкув бошқармага шу мадрасанинг мутаввалийси 565 рублнинг 315 рублини ўзининг шахсий эҳтиёжига сарф этгани юзасидан шикоят этгани ва шунга ўхшаш бошқа мисолларни келтириб ўтади. Бу орқали Н.П. Остроумов илгариги амал қилинган “аралашмаслик” сиёсатидан чекиниб, маҳаллий таълим масканларини нафакат ташқаридан кузатиб бориш, балки, уларнинг ички ишларини ҳам назоратга олиш зарур эканлигига ишора қилган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, маориф соҳаси вакилларининг марказий нашрларда анъанавий мактаблар ҳақидаги мақолалари доимий характерга эга бўлмаган. Ҳатто бири қолганларини инкор этган холлари ҳам учраб турган. Жумладан, Туркистон ўкув муассасалари бошқармаси бош инспектори Ф. Керенский 1892 йилда «Журнал Министерства Народного Просвещения» журналида нашр қилган мақоласининг кириш кисмида “Туркистон ўлқасини империяга қўшиб олинганига салқам чорак асрдан ошиди. Энди у ердаги мусулмон мактаблари билан танишиш ва улар билан шугулланиш вақти келди”² деб, таъкидлаган. Бу ўз навбатида, худди ўша журнаlda Туркистон ўкув муассасалари бошқармасининг биринчи бош инспектори А.Л. Куннинг (И.Т. тахаллуси остида) 1874 йилда нашр қилган “Мусульманские училища Туркестанского края”³ мақоласини ва бошқа муаллифлар ишларини очикдан-очик инкор этиш эди. Ваҳоланки, А.Л. Кун 18 йил олдин ўз мақоласида Туркистон ўлқасидаги анъанавий мактаблар ҳақида салмоқли маълумотлар берган. Қолаверса, Ф. Керенскийнинг 1892 йилги мақоласига қадар ҳам анъанавий таълимни ўрганиш ва назорат қилишга қаратилган яна бошқа бир

¹ Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае // Журнал Министерства Народного Просвещения. Новая серия. 1907. Часть VII. СПб. 49-бет.

² Керенский Ф. Медресе Туркестанского края // Журнал Министерства Народного Просвещения. 1892. Часть CCLXXXIV. СПб. 18-бет.

³ И.Т. Мусульманские училища Туркестанского края // Журнал Министерства Народного Просвещения. 1874. Часть CLXXVI. СПб. 1-34-бетлар.

қатор ишлар амалга оширилган эди. Хусусан, Туркистон генерал-губернаторининг 1880 йилнинг 14 февралдаги № 509-сонли фармойиши асосида, Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бошқармаси барча уезд маъмурияти орқали мусулмон мактаблари ҳакида статистик маълумотлар йигиб борди, 1890 йил эса, халқ мактаблари З-инспектори лавозими жорий этилиб, унга ўлкадаги барча мактаб ва мадрасаларни ўрганиш ва назорат қилиш юклатилган эди. Мазкур ишлар айнан Ф. Керенскийнинг бевосита бошчилигида амалга оширилган. Фикримизча, Ф. Керенский анъанавий таълим масаласи баҳонасида ҳукумат амалдорларини нисбатан кам молиялаштираётган Туркистон ўлка ўқув муассасалари бошқармасига эътиборни қаратишига интилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим манбаларда хусусан М.А. Миропиев ўзининг «О положении русских инородцев»⁴ номли асарида Ф. Керенскийнинг 1892 йилги мақоласини кўпол плагиат деб атаб, мақоланинг асл муаллифи В.П. Наливкин эканлигини таъкидлаган. Аммо бизнинг мақсадимиз манбалардаги маълумотларни таҳлил этиш бўлгани боис бу масала хусусида батафсил тўхталишни жоиз топмадик.

Ўрганилаётган даврда анъанавий таълимга оид давлат сиёсатининг ҳукукий асосларига бағишлиланган адабиётлар кам учрайди. Бу бевосита Туркистон генерал-губернаторлигида “аралашмаслик” сиёсатининг расман амалда бўлиб, унга доир Қарор ва Фармойишлар кам чиккани билан изоҳланади.

Аксарият ҳолларда анъанавий таълим мактабларига нисбатан рус бўлмаган аҳоли таълимига оид умумий ҳукукий хужжатлар қўлланилган. Шу боис Россия империяси маориф соҳаси мутахассислари мазкур мавзуга оид бир қанча йиғилишлар ўтказиб, унда қизғин мухокамалар олиб борган. Жумладан, 1913 йил Петроградда ўтказилган Биринчи умурrossия халқ таълимига бағишлиланган йиғилишда, рус бўлмаган аҳоли таълими секцияси маҳаллий мактабларга хос бўлган жиҳатлар, уни ташкил этишнинг ҳукукий асослари каби масалаларни мухокама этган. 1916 йилда эса ушбу маърузалар тўплам сифатида нашр этилди. Унда рус бўлмаган аҳоли таълимининг ҳукукий асослари, таълим шаклига ўзгартириш киритиш, она тилининг мақоми ва рус тилини ўқитиш каби масалалар ёритилган. Хусусан, 1910 йил Давлат Думасида маҳаллий аҳолининг анъанавий мактабларида она тилида таълим олишга оид Конун ишлаб чиқиш кўзда тутилганда, мусулмон аҳоли томонидан бир қатор мурожаатлар бўлгани ҳакида ҳам сўз боради. Улардан бири Тош-

⁴ Миропиев М.А. О положении русских инородцев. СПб., 1901. 382-бет.

кент шаҳридан юборилган бўлиб, унда “Биз Тошкент шаҳрининг иккинчи участкасида истиқомат қилувчи мусулмонлар умумий таълим тўғрисидаги қонунни муҳокама этиб, сизлардан ушибу Қонунни Давлат Думасида муҳокама этишингизда, барчангиз мусулмонларнинг эҳтиёж ва хоҳишиларидан хабардор бўлишингизни истаймиз”⁵, деб мурожаат этилган эди. Бу ўз навбатида Россия империяси ҳукумронлигининг сўнгги даврида маҳаллий ҳалқларнинг таълими билан боғлиқ бўлган Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишида туб аҳоли, шу жумладан, Туркистон мусулмонлари вакилларининг фикрлари билан ҳам маълум маънода ҳисоблашгандек эди. Аслида эса кўп ҳолларда Қозон, Оренбург, Гарбий Сибир ва Кавказ таълим округлари мусулмонлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда Қонунлар қабул қилиниб, уларда Туркистон ўлкасида яшовчи мусулмонлар манфаати инобатга олинмаган. Бунга Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурларининг “аралашмаслик” давлат сиёсати асосида анъанавий мактабларда ислоҳотлар ўtkазишни тақиқлаш ва уларни ҳар қандай турдаги рагбатлантиришлардан чеклашлар тўсик бўлган, деб хулоса қилиш ўринли.

Туркистон ўлкасида узок вақт маориф соҳасида фаолият юритган С.М. Граменицкий ўз асарида “Россияда рус бўлмаган аҳоли таълимига оид Қонун ва фармойишларда умумийлик, аниқлик ва барқарорлик етишмайди. Империядаги рус бўлмаган аҳоли мактабларининг барчасига бирдек таълукли бўлган ягона Низом мавжуд эмас”, деб таъкидлайди.

Рус бўлмаган аҳоли таълимига оид империя Қонунларининг деярли барчаси Қозон, Оренбург, Гарбий Сибир ва Кавказ таълим округларида мавжуд бўлган мактабларга тегишли бўлган. Ҳатто мазкур округдаги маҳаллий мактаблар ҳам бир-биридан таълим шаклига кўра фарқ қилган.

С.М. Граменицкий Туркистондаги маҳаллий мактабларга оид кам сонли Қонун ҳужжатларини санаб ўтган. Жумладан, “Туркистон ўлкасида барча рус ва рус бўлмаган аҳолиси мактаблари Бошқарманинг ўқув бўллимига бўйсунади. Рус бўлмаган аҳолиси мактаблари фақат мазкур Бошқарма рухсати билан очилади (Қонунлар тўплами, XI қисм, 89-модда), рус ва рус бўлмаган аҳолисининг бошлангич мактаблари ҳалқ мактаблари инспекторлари томонидан бошқарилади (91-модда), 1879 йил 13 январдаги Ҳалқ Маорифи вазирининг ҳалқ инспекторлари ҳақидаги қўлланмаси, барча уезд маъмурияти орқали мусулмон мактаблари ҳақи-

⁵ Инеродческая школа // Сборник статей материалов по вопросам инородческой школы. Петроград, 1916. 24-бет.

⁶ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования Сыр-Даринской области. Ташкент, 1916. 39-бет.

да статистик маълумотлар йигиб бориши тўгрисидаги Туркистон генерал-губернаторининг 1880 йил 14 февралдаги № 509-сонли фармойиши⁷ шулар жумласидандир.

Туркистон генерал-губернаторлигининг мусулмон мактабларга нисбатан давлат сиёсатида уларни назорат қилиш устувор вазифа саналган. Бирок, назорат қайси ташкилот томонидан, қай тартибда олиб борилиши ва инспекторлар қандай талабларга жавоб бериши лозим деган муаммо доим долзарб эди. Шу боисдан 1905 йил март ойида Санкт-Петербургда рус бўлмаган аҳоли таълими муассасалари бўйича ўтказилган маҳсус йиғилишда Туркистон ўлкасидан вакил бўлган Н.П. Остроумов бу масалани ўз маърузасида ифода этиб, “мусулмон мактабларини назорат қиливчи инспекторлар маҳаллий тил билан бирга араб, форс, қирғиз тилларини билишлари, шунингдек, ислом дини ҳамда шариатни яхши ўрганган бўлишлари зарур”⁸, деб таъкидлаган. Н.П. Остроумов ўтрок ва кўчманчи аҳоли таълимини алоҳида-алоҳида инспекторлар назорат қилиши лозим, деган таклифни илгари сурган. Бунда араб ва форс тиллари мактаб ҳамда мадрасаларнинг ўкув адабиётларини ўрганиш, туркий (маҳаллий ўтрок аҳоли тили – *M.A.*) ва қирғиз тили (қозоқ тили. – *M.A.*) эса ўтрок ҳамда кўчманчи аҳоли билан мулоқот қилиш учун зарурлиги назарда тутилган эди. Аммо Н.П. Остроумовнинг таклифлари эътибордан четда колган. Шунинг учун Н.П. Остроумов 1908 йил 7 август куни Туркистон ўлкасида ички ва ташки жосуслик қилиш масаласи бўйича бўлиб ўтган комиссияда К.П. Кауфманнинг “аралашмаслик сиёсати”ни ҳеч қандай самара бермаган ва аксинча, мусулмон мактабларини кўпайишига сабаб бўлган, деб танкид килган. Шунингдек, мазкур сиёсатни бекор қилиш ва бу мактабларни тўлиқ назоратга олишни таклиф қилган⁹. Бирок бу сафар ҳам унинг таклифи инобатга олинмаган.

Н.П. Остроумов нафакат Туркистон генерал-губернаторлигининг таълимга оид давлат сиёсатида доим фаол иштирок этувчи шахс сифатида, балки мутахассислигига кўра миссионер бўлгани учун ҳам анъанавий мусулмон мактабларини кучли назорат килиш тарафдори эди. У

⁷ Ўша асар. 46–48-бетлар.

⁸ Труды особого совещания по вопросам образования восточных инородцев. Издание Министерства Народного Просвещения под редакцией А.С. Будиловича. СПб., 1905. 308-бет.

⁹ Азимбаев М.С. Туркистон ўлкасида ички ва ташки жосуслик қилиш бўйича комиссия материалларида анъанавий мактабларни назорат қилиш масаласи // Ёш шарқшунослярнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент, 2017. 82-бет.

ўзининг Туркистон ўкув муассасалари бошқармасидаги фаолияти давомида мазкур Бошкарма бошликлари ва деярли барча генерал-губернаторларнинг анъанавий таълимга оид сиёсатини доим салбий баҳолаган. Хусусан, у К.П. Кауфман хотирасига бағищланган тўпламга киритилган мақоласида ўлкада рус мактабларни очиш ва унга қирғиз миллатига мансуб болаларни жалб килиш орқали уларни Ислом дини таъсиридан муҳофаза этиш режасини нотўғри, деб ҳисоблайди, ҳамда “мусулмонлик ва қирғизларга бўлган бундай қарашлари (К.П. Кауфманнинг – М.А.) Шарқ тарихи бўйича машҳур профессор В.В. Григорьев таъсирида шаклланганги”¹⁰ ни таъкидлайди. Шу билан бирга у К.П. Кауфман томонидан Туркистон ўкув муассасалари бошқармаси бошлифи этиб тайинланган А.Л. Кунни ҳам топширилган масъулиятли вазифанинг моҳиятини билмаслика айблайди.

Н.П. Остроумов ўз фикрини давом эттириб, генерал-губернаторлар Розенбах ва барон Вревскийларнинг Туркистон ўлкаси маҳаллий ахолисини русланиши ва метрополия билан уйғуналашиб кетишига бўлган умидлари ўзини окламаганини ҳамда 1892 йилда Тошкентнинг маҳаллий ахолиси томонидан катта жанжал кўтарилигини, 1898 йилда эса бутун ўлка тинчлигига хавф солувчи Андижон кўзғолони бўлиб ўтгачгина туб ахоли мактаблари ҳақида эслаб қолишганлигини кинояли айтиб ўтади¹¹. Бу бежизга эмас эди, чунки К.П. Кауфман ўнимидан сўнг у доим “аралашмаслик” сиёсатидан чекиниб, анъанавий мусулмон мактабларини тўлиқ назорат килиш, уларни ислоҳ қилиш ва зарур бўлса, тугатиш тарафдори бўлган.

Андижон кўзғолонидан сўнг Туркистондаги мусулмон мактабларига нисбатан келажакда қандай чора кўриш масаласи бўйича Тошкентда ташкил этилган маҳсус комиссия “аралашмаслик сиёсати”дан чекин-маслик ва бу борадаги Қонунда кўрсатилган эски моддалар ва тартиб-коидаларга амал килишга қарор қиласди. Ушбу комиссияда иштирок этган Н.П. Остроумов ҳар қанча уринмасин, унинг анъанавий мусулмон мактаблари бўйича берган таклифи инобатга олинмайди. Бунда С.М. Граменицкийнинг ташаббуси ҳам бор эди. Чунки у Андижон кўзғолонига мусулмон мактабларининг мутлақо алоқаси йўқлигини асосли равишда исботлаб, ушбу мактабларни назоратга олиш ва ислоҳ қилиш катта кўзғолонларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади.

¹⁰ Остроумов Н.П. Колебания во взглядах на образование туземцов Туркестанском крае / Кауфманский сборник. Москва. 1910. 140–141-бетлар.

¹¹ Остроумов Н.П. Колебания во взглядах... 146-бет.

Бундан норози бўлган Н.П. Остроумов кейинчалик маҳсус комиссияда унга карши бўлган С.М. Граменицкий ҳакида куйидаги фикрларни билдиради: “Сирдарё вилояти халқ мактаблари янги инспектори (кейинчалик директор) С.М. Граменицкий ... мусулмон мактаблари бўйича Қозон ва Туркистонда иши олиб борган маҳсус инспекторнинг қисқа тажрибасидан келиб чиқиб, нафақат мусулмон мактабларининг *status quo*сини сақлаб қолди, балки улар устидан тўхтатилган назоратни қайта тиклашга қарши чиққан. Маълумоти бўйича математикилиги ва русларга хос қараашлари жисъатдан рус-тузем мактабларида маҳаллий аҳолининг фарзандлари га рус тилини ўқитиш уларнинг маданийлашиши учун муҳим аҳамият касб этиши ҳақида муроҷаузалари тўғри. Аммо у рус-тузем мактабларидан ўттиз баравар кўп бўлган мактаб ва мадрасалар устидан назорат қилиши зарурати борлигини тушуниб етмай хото қўлмоқда”¹².

М.А. Миропиев ҳам ўзининг кузатувларидан келиб чиқиб, Н.П. Остроумовнинг мусулмон мактабларини назорат қилиш фикрини қўллаб-кувватлайди ва аслида бу ишни ўз вақтида халқ мактаблари З-чи инспектори лавозимида ишлаган В.П. Наливкин томонидан ижобий амалга оширилганини таъкидлайди. Унинг фикрича, “айнан В.П. Наливкин ўзининг 1890–1896 йиллардаги фаолияти давомида Туркистон ўлка-сидаги мадрасаларни ҳар томонлама ўрганиб, ҳам мадрасаса фаолиятини, ҳам унинг вақфларини тартибга келтирган”¹³. Бизнинг фикримизча эса В.П. Наливкин ўзига юклатилган вазифани бажара олмаган. Зеро, унга аввал бошида анъанавий мактабларда рус тили ўқитилишини жорий қилиши ва ислоҳотлар қилиши вазифаси юклатилган эди. Аммо у фаолияти давомида ўзининг асосий вазифасини бажарии ўрнига мадрасаларнинг хўжалик ишларига, яъни вақф даромадлари масаласига фаол аралашишини бошлади. Бу табиий равишда мутаваллий ва мударрисларнинг норозилигини келтириб чиқариб, халқ мактаблари З-чи инспектори лавозимини тугатилишига сабаб бўлган.

1898 йилдаги Андиксон воқеаларидан сўнг Туркистон генерал-губернатори бўлиб ўз ишини бошлаган С.М. Духовской 1899 йилда Ислом динининг Туркистон учун аҳамияти борасида тайёрлаган маърузасида¹⁴ рус маъмурияти барча мусулмон муассасалари, жумладан, мактаблар

¹² Остроумов Н.П. Колебания во взглядах на образование туземцев Туркестанском крае / Кауфманский сборник. – Москва. 1910. 146–147-бетлар.

¹³ Миропиев М.А. О положении русских инородцев. СПб., 1901. 383-бет.

¹⁴ Духовской С.М. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал губернатора генерал от инфантерии Духовского. Ислам в Туркестане. Ташкент, 1899. 16–17-бетлар.

ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши ҳамда айрим мусулмон мактабларидаги четдан келган татар ва хориж фуқароси бўлган ўқитувчиларни рус фуқаролиги бўлган муаллимларга алмаштириши зарурлигини тъкидлаб, ушбу вазифани амалга оширишга шахсан ўзи киришади. Генерал-губернатор С.М. Духовскойнинг мазкур ҳаракатлари “аралашибаслик” сиёсатидан бироз чекиниш бўлса-да, аммо бу анъанавий мусулмон таълим мини назорат қилиш имконини бермади.

Туркистон мусулмон анъанавий мактабларини давлат назоратига олиш имкони бўлмаганининг бир катор омиллари мавжуд эди. С.М. Граменицкий бунинг асосий сабаби сифатида мусулмон мактаблари бўйича тузилган комиссияларнинг бирортаси якуний Қарор қабул килмагани ва Туркистон генерал-губернатори маъмуриятига ижро учун берилимагани да¹⁵, деб билади.

Мустамлака даврига доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада “аралашибаслик” давлат сиёсати самарали натижа бермагани сабабли ушбу таълим масканларини ҳар томонлама тадқиқ этиш, назорат қилиш ва кези келганда уларни ўз манфаатлари йўлида хизмат килдириш мақсадида мактаб ва мадрасалар масаласи анъанавий таълимнинг маҳаллий аҳоли учун аҳамияти юкори эканлигини англаган рус тадқиқотчиларининг ҳамиша диккат-эътиборида бўлган. Бунинг натижаси мавзуга оид бир катор илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда ўз ифодасини топган. Мазкур ишларнинг¹⁶

¹⁵ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования Сыр-Даринской области. Ташкент, 1916. 50-бет.

¹⁶ Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане (1874–1889). Санкт-Петербург, 1889. 666-бет.; Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе в Средней Азии. СПб.: Б.И., 1913. 90 б.; Вильев А.В. Государственный язык в инородческой школе // Журнал Министерства народного просвещения. 1904. № 11. 45–80-бетлар.; Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае // Сб. матер. Для статистики Сыр-Даринской области. Издание Сыр-Даринского Областного Статистического Комитета / под ред. И.И. Гейера. Ташкент, 1896. Т. 4. 2–104-бетлар.; Ўша муаллиф. К вопросу об инородческом образовании в России. Ташкент, 1908.; Ўша муаллиф. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. Ташкент, 1896.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Т., 1912. 520-бет.; Духовской С.М. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал губернатора генерал от инфантерии Духовского. Ислам в Туркестане. Т., 1899. 20-бет.; Емельянов Н. Численность вакфов Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том. 461, 3–6-бетлар.; Зеленин Д.Н. И. Ильминский и просвещение инородцев // Русская школа. 1902. № 3. 182–184-бетлар.; Кауфман К.П. Личные воспоминания и исторический очерк народного образования в Туркестанском крае. Ташкент, 1899. 287 б.; Ўша муаллиф. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъюнкта К.П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства с 7.09.1867 по 25.03.1881 гг. / сост. П.И. Хамутов. СПб, 1885.; Керенский Ф.М. Медресе в Туркестанском крае. СПб.: Б.И., 1892. 37-бет.; Ўша муаллиф. Мусульманские училища Туркестанского края // Журнал Министерства народного про-

айримлари ўрганилаётган мавзу учун манбавий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу адабиётлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигига маъмурий-бошқарув ва таълим тизими соҳаларида фаолият юритган ҳамда тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи бўлган шахслар томонидан ёзилганлиги, ўлгадаги анъанавий таълимга оид статистик маълумотларнинг мавжудлиги ва империя таълим сиёсатига оид тарихий далиллар келтирилганлиги билан илмий қийматга эга. Бирок ушбу тадқиқотлар ўзининг ғоявий мазмунига кўра мустамлакачилик сиёсатига мос бўлиб, уларда мактаб ва мадрасалар диний мутаассиблик ўчоғи ҳамда империя сиёсатига зид бўлган таълим-тарбия берувчи маскан сифатида баҳоланганди.

Таъкидлаш лозимки, мустамлака даври адабиётларида анъанавий мусулмон мактабларни бошқаришга оид хукукий хужжатлар алоҳида тадқиқ килинмаган. Ваҳоланки, ушбу мактаблар расман тан олинмаган бўлса-да, уларни Россия империяси манфаатларига мос равишда тартибга келтирувчи меъёрий хужжатлар мавжуд эди. Фикримизча, давр адабиётларида мазкур масалани эътибордан четда қолишига анъанавий таълимга оид Конун хужжатларини кабул килиниши ва ижро этишдаги зиддиятлар сабаб бўлган.

Ушбу тадқиқотларни манбавий аҳамиятини эътироф этган холда улардаги маълумотларни холислик асосида танқидий ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

священия. Санкт-Петербург, 1874. Часть CLXXVI. 32-бет.; Кун А.Л. Вакуфы // Туркестанские ведомости. 1872. № 21.; Лыкошин Н.С. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. Петроград: Литография В.А. Бероз, 1916. 415 б.; Миропиев М.А. О положении русских инородцев. СПб., 1901. 515-бет.; Наливкин В.П. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? СПб.: Б.И., 1900. 480 б.; Ўша муаллиф. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Том III. Новый–Маргелан, 1904. 1–56-бетлар.; Ўша муаллиф. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент: Тип. А.Л. Кирснера, 1913. 144-бет.; Ўша муаллиф. Сведения о состоянии туземных медресе Сырдарьинской области в 1890–91 учебном году. Ташкент: Б.И., 1916. 16-бет.; Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях Сыр-Дарьинской линии и Туркестанской области до учреждения Туркестанского генерал-губернаторства с 1860 г. по 1867 г. Ташкент, 1881.; Ўша муаллиф. К истории народного образования в Туркестанском крае. Личные воспоминания. Ташкент, 1895.; Ўша муаллиф. К вопросу о государственном языке в инородческих школах Туркестанского края // Туркестанский сборник. Т. 477. Ташкент, 1908. 2–4-бетлар.; Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. СПб.: Сенатская типография, 1910. 270 б.; Пашино П.И. Туркестанский край 1866 году. Путевые заметки. Санкт-Петербург, 1868. 176-бет.; Труды особаго совещания по вопросам образования восточных инородцев. Издание Министерства Народного Просвещения под редакцией А.С. Будиловича. СПб., 1905. 366-бет.

БИОГРАФИЧЕСКАЯ СТАТЬЯ
М. АЗИМБАЕВ

**МУСТАМЛАКА ДАВРИДА ТУРКИСТОН
ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ АНЬАНАВИЙ ТАЪЛИМГА
ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

Мақолада мустамлака даври адабиётлари асосида Туркистон генерал-губернаторлигининг мусулмон анъанавий таълимга доир сиёсати тарихшунослик нуқтаи назардан ёритилади. Шунингдек, мактаб ва мадрасаларга оид Қонун хужжатлари, уларни назорат килишнинг хукуқий асослари В.П. Наливкин, Н.П. Остроумов, М.А. Миропиев, С.М. Граменицкийларнинг асарлари асосида таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Анъанавий таълим, мадраса, Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман, «Аралашмаслик» сиёсати, В.П. Наливкин, Н.П. Остроумов, А.Л. Кун, Ф. Керенский, С.М. Граменицкий, В.В. Григорьев, С.М. Духовской.

М. АЗИМБАЕВ

**ИЗУЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ
ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА
В СФЕРЕ ТРАДИЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В КОЛОНИАЛЬНЫЙ ПЕРИОД**

В статье, на основе литературы колониального периода, с историографической точки зрения освещена политика Туркестанского генерал-губернаторства в сфере мусульманского традиционного образования. Кроме того, на основе работ В.П. Наливкина, Н.П. Остроумова, М.А. Миропиева, С.М. Граменицкого были проанализированы законы, касающиеся мактабов и медресе, а также правовые основы контроля за их деятельностью.

M. AZIMBAEV

STUDYING OF THE STATE POLICY OF TURKISTAN GENERAL-GOVERNMENT IN THE SPHERE OF TRADITIONAL EDUCATION IN THE COLONIAL PERIOD

In the article, on the basis of the literature of the colonial period, from a historiographic point of view, highlighted the policy of the Turkestan governorship in the field of Muslim traditional education. In addition, based on the work of V.P. Nalivkin, N.P. Ostroumov, M.A. Miropiev, S.M. Gramenitsky analyzed laws concerning maktab and madrasas, as well as the legal framework for monitoring their activities.

Изложено историографическое исследование политики Туркестанской губернаторской администрации в сфере исламской традиционной образования. В дополнение к этому на основе работ В.П. Наливкина, Н.П. Островского, М.А. Мириопиева, С.М. Граменитского проанализированы законодательные акты о мактабах и медресах, а также правовой регулятор для контроля их деятельности.

Н. КЕНЖАЕВА

ПОМИР ЭКСПЕДИЦИЯСИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ (1924–1929 ЙИЛЛАР)

1924 йилда миллий-давлат чегараланишдан сўнг миллий республикалар ташкил қилинган бўлиб, хусусан, Тожикистон автоном совет социалистик республикаси Ўзбекистон совет социалистик республикаси таркибида бўлди. Тожикистон автоном совет социалистик республикасининг ташкил этилиши Биринчи Бутунтожик съездиде Кенгашида расман тасдикланди. 1925 йилда Помир худудлари ҳам унинг таркибига қўшиб берилди. Фуқаролик уруши, “ҳарбий коммунизм” сиёсати ва большевиклар хукуматининг бошқа харакатларидан сўнг оғир шароитда бўлган республика, ҳар томонлама ёрдамга, айниқса, иқтисодиёт ва маданиятни кўтариш учун ишлаб чиқариш кучларини ўрганишга муҳтож эди. Помир ва унинг теварак-атрофларини тадқиқ этиш Ўрга Осиё мintaқаларини ўрганиш учун истикболли худудлардан бири хисобланди.

Чегараланишга қадар, 1923 йилда Помирдаги Сарез кўли худудларига географик экспедиция жўнатилди. Мазкур экспедиция Туркистон университети ва Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими томонидан ташкиллаштирилди. Географ Н.Л. Корженевский, бир неча маротаба Помирда бўлган геолог И.И. Бездека ва ботаник И.А. Райковалар экспедиция таркибида бўлдилар. Экспедиция тадқиқотлари натижасида 30 та атмосфера босим пунктларининг баландлиги, 1914 йил билан такқосланганда музликларнинг чекиниши аниқланди. Баланд тоғ ўсимликлари гербаријиси тўпланди¹. 1925 йилнинг январида Тошкентда “Тожикистон ва унинг чегара орти эроний халқларни тадқиқ этиш жамияти” тузилди, ва Тожикистон АССР мintaқасини ҳар томонлама тадқиқ этишда иштирок эта бошлади. 1925 йилда Танимас дарёси этакларида музлик худудларни тадқиқ этиш учун Н.Л. Корженевский бошчилигидаги экспедиция жўнатилди. Экспедиция ишлари асосан рекогносцировка (разведка) характерида бўлди². Мамлакатнинг турли худудларида Академия томонидан ташкил этилган экспедициялар сони йил сайин ошиб борди. Экспедициялар 1919 йилга қадар 7 марта ташкил этилган бўлса,

¹ Баранов П.А., Райкова И.А. САГУ в борьбе за сельскохозяйственное освоение Памира // Бюллетень САГУ. 1935. Вып. 20. 274–275-бетлар.

² Шагалов Е.С. Первое научное общество Таджикистана: (Общество для изучения иранских народностей за его пределами). Душанбе: Дониш, 1966. 10–11-бетлар.

1924 йилда уларнинг сони 78 тага етди³. 1925 йилда Академиянинг экспедицияси Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистанда иш олиб борди. Экспедиция Ўрта Осиёда фойдали қазилмаларни тадқиқ этишини ўз олдига мақсад қилиб кўйди⁴.

1925 йилда Россия Фанлар академияси Бутуниттифок муассасага айлантирилиши билан барча иттифок республикалари худудида ўз фаолияти соҳасини кенгайтиришга ёрдам берди. СССР Фанлар академияси ишларини фаолаштириш, мамлакатда илмий фаолиятга бошчилик килишни кучайтириш мақсадида, 1926 йилда Марказ умумиттифоқ илмий муассасалар, хусусан, Фанлар академияси устидан назоратни амалга оширувчи Халқ комиссарлар кенгаши СССР қошида илмий ишлар ва илмий муассасалар бўлимига кўмаклашувчи комиссия тузди⁵.

СССР ФА фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш учун иттифок ва автоном республикаларда 1926 йил 3 апрелда СССР ва автоном республикаларда тадқиқот ишлари бўйича маҳсус қўмита ташкил этилди. 1928 йилда мазкур Маҳсус қўмита Экспедиция тадқиқотлари комиссиясига айлантирилди. Иттифок ва автоном республикаларда тадқиқот ишлари бўйича маҳсус қўмитани етакчи олим, кўпгина академик экспедициялар ташкилотчиси, академик А.Е. Ферсман бошқарди. Мазкур муассасага миллий республикаларда табиий ишлаб чиқариш кучларини тизимли ўрганиш ва Фанлар академияси экспедиция тадқиқотларини мувофиқлаштириш вазифаси кўйилди⁶. 1920-йилларнинг иккинчи ярмида СССР Фанлар академияси, марказий ва регионал муассаса республикаларнинг турли худудларида ўз фаолиятини кучайтириди. Фанлар академияси режалаштирилган узок муддатли экспедиция, комплекс ишларни амалга оширишга киришди. 1926 йилнинг ўзида Академия томонидан 56 та экспедиция ташкил этилди⁷. Хусусан, академик В.В. Бартольд бошчилигида Тожикистонга этнологик экспедиция уюштирилди. Юкори Зарабшоннинг Фалгар, Мачай ва Искандар худудларида асосий тадқиқот ишлари олиб борилди. Экспедиция фольклор ёзув ишларини амалга ошириди, этнографик коллекция тўплади ва турли хил шева ва лаҳжаларни қайд этди⁸.

³ Комков Г.Д. Академии наук СССР. 1917–1976. М.: Наука, 1977. Т. 2. 41–42-бетлар.

⁴ Академия наук СССР: Краткий исторический очерк. М.: Наука, 1974. 276-бет.

⁵ Основные принципы и общие проблемы управления наукой. М.: Наука, 1973. 75-бет.

⁶ Каранг: Комков Г.Д., Левшин Б.В., Семенов Л.Е. Академия наук СССР: Краткий исторический очерк. М.: Наука, 1974. 298-бет.

⁷ Таджикская АССР // Осведомительный бюллетень № 1 (14). 5 января 1927 г. 2-бет.

⁸ Таджикская АССР // Осведомительный бюллетень № 1 (14). 5 января 1927 г. 2–3-бетлар.

Тожикистон АССР ташкил этилганидан бўён республикада айрим иттифоқ ва Ўрта Осиё илмий муассасалари томонидан унча катта бўлмаган экспедиция иш олиб борди. Экспедиция табиий-географик жиҳатдан ажралиб турувчи мазкур ҳудудда ер ости бойликларини, ўсимликлар дунёсини, ҳайвонот оламини ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, геология, гидрология ва гляциология соҳасида тадқикот ишларини олиб борди. Тожикистонда 1920-йилларнинг охири ва 1930-йилларнинг бошларида куйидаги йирик экспедициялар амалга оширилди.

1926 йилдан бошлаб, СССР Фанлар академияси Геология кўмитаси Шимолий Тожикистон ҳудудларида геологик разведка ишларини амалга ошириди. 1926 ва 1927 йилларда СССР Геология кўмитаси республика нинг қатор районларида геологик тадқикот ишларининг бошланиши учун замин ҳозирлади, Зарафшоннинг юкори ҳудудларига, Қора-Мозор, Зарафшон-Ҳисор вилоятлари ва Помирга экспедиция жўнатди. Кейинги йилларда ҳам геологик тадқиқот ишлари давом эттирилди ва тадқиқот кўлами кенгайтирилди. Қора Мозорни тадқиқ этиш учун Геологик кўмита Б.Н. Наследов бошлигидаги Табошар гурухига 26 минг рубль ажратди. 1927 йилда ажратилган пул маблағлари кўпайтирилди⁹. Табошарда разведка, топографик, олмос-бургилаш ишлари бажарилди. И.П. Новохатский томонидан аниқланган йирик уран-радий руда конларини текшириш имкони пайдо бўлди. Тоғ-кон разведка ишлари бошлаб юборилиб, Консойда қадимги кон Кони-Мансур рекогносцировка (разведка) жиҳатдан ўрганилди¹⁰.

Экспедицияда иштирок этган геолог А.В. Королёв томонидан Олтин-Топкан ўрганилди. Геолог К.Л. Пожарицкий томонидан эса Тақали ва гарбда бошқа конлар очилди. Ўрта Осиё давлат университети профессори геолог Б.Н. Наследов Олмалиқ, Саун-Булоқдаги конлар тўғрисида қисқача баён этди ва рўйхатга олди. Гудасс кўроғошин конини очган ва қидирав радиометрик методи яратувчиси геофизик, геохимик А.Н. Кириков гурухи шарқда Қора-Мозор билан чегарадош Курама районларида радиоактив конларида геологик қидирав ишлари олиб борди¹¹.

1927 йилда Дарвозда Ўрта Осиё давлат университети ботаника экспедицияси фаолият олиб борди. Мазкур экспедицияга машхур географ, университет доценти П.А. Баранов бошлилик қилди. Ушбу баланд тоғ ҳудудларининг маданий ўсимликлари ўрганилиб, ерга ишлов бериш

⁹ Наследов Б.Н. Кара-Мазар // Материалы Таджикско-Памирской экспедиции. Л., 1935. Вып. XIX. 38–39-бетлар.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ Ўша жойда. 38–39-бетлар.

усуллари қайд этилди. Дарвоз миңтақаси бўйлаб кишлоқ хўжалиги ўсимликлари тадқиқ этилди¹².

1927 йилдан бошлаб СССР ФА Тожикистонга ҳар йили экспедиция жўнатди. Табиий географиянинг ривожланишига катта хисса қўшган йирик Помир совет-герман экспедицияси мазкур экспедициялардан бири бўлди. 1928 йил Помир экспедицияси фаолияти Помир ва бутун Помир-Олой тоф тизимида тадқиқот ишларининг бошланишига олиб келди. Кейинчалик СССР ФА экспедицияси мазкур баланд тоф миңтақаларида мунтазам тадқиқот ишларини олиб борди.

1925 йилда СССР Фанлар академиясининг 200 йиллиги нишонла-наётган вақтда¹³, СССР ва Германия олимлари ҳамкорлигига Помир баланд тоф экспедицияси ташкил этиш foяси туғилди. 1926 йилнинг июнида СССР ФА котиби С.Ф. Ольденбург Берлинда Германия фанига ёрдам уюшмаси бошлиғи билан учрашди. Мазкур учрашувда икки томонлама илмий алқаларни ривожлантириш тўғрисида, шунингдек, ҳамкорликда экспедиция ташкил этиш ҳакида битим имзолашга эришилди¹⁴. 1928 йилда мазкур битимни амалга оширишга муваффақ бўлди. Помир баланд тоф районларига ўша вақтдан бошлаб йирик экспедиция жўнатилди. СССР Халқ комиссарлар кенгаши ишлари бошқарувчиси Н.П. Горбунов экспедиция бошлиғи этиб тайинланди. Экспедициянинг совет қисмини у бошқарди. Мазкур экспедиция совети таркибиға СССР ФА геолог Д.И. Щербаков, Ўрга Осиё университети профессори гляцио-лог Н.Л. Корженевский, Пулков обсерваторияси астрономи Я.И. Беляев, СССР ФАдан зоолог А.И. Рейхарт, Москва зоопарки зоологи Г.Н. Соколов, СССР ФА минералоги А.Н. Лабунцов, Ўрта Осиё метеорология институтидан магнитолог В.Н. Михалковлар киритилдилар. Географ доктор В. Рикмерс, геодизист доктор О. Финстервальдер, зоолог доктор Рейнинг, геолог доктор В. Ленцлар Германия гурухи таркибида бўлдилар¹⁵. Экспедиция томонидан тўпланган материалларни илмий қайта

¹² Барапов П.А. Дарваз и его культурная растительность // Известия Общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Ташкент, 1928. Т. 2. 2-бет.

¹³ Петербург Фанлар академиясига 1724 йил 28 январда (8 феврал) император Петр Інинг фармонига кўра Санкт-Петербург шахрида асос солинган. Расман, 1724–1917 йилларда Петербург Фанлар академияси; 1917–1925 йилларда Россия Фанлар академияси; 1925–1991 йилларда СССР Фанлар академияси; 1991 йилдан Россия Фанлар академияси.

¹⁴ Иоффе А.К. Международные связи советской науки, техники и культуры. 1917–1932 гг. М., 1975. 268-бет.

¹⁵ Памирская экспедиция 1928 г. Л., 1930. Вып. 1. 4–5-бетлар.

ишилаш учун С.Ф. Ольденбург, В.В. Бартольд, В.Л. Комаров, А.Е. Ферсман ва бошқа олимлар таркибидаги илмий кенгаш ташкил этилди.

Экспедициянинг топографик-геодезик фаолияти географик тавсифи баён этилган илова ҳамда мукаммал географик карта тузиш билан ху-
лосаланди. Биологик гурух экологик нуткай назар билан Қоракўл ҳав-
заси фаунасини ўрганиш, архарлар яшайдиган районларни тадқиқ этиш
ишиларини олиб борди. Амалий ботаника соҳасига Помир маданий ўсим-
ликларини ўрганиш вазифаси қўйилди.

Баланд тоғ шароитларида тадқиқот ишиларини амалга оширишда экспедицияга маҳсус альпинистлар гурухи жалб этилди. Унинг иштирокчи-
лари маҳоратли альпинистлар: Н.В. Крыленко – РСФСР Бош прокурори
(бошлиқ), юкори тоғ чўққиларини забт этган СССР Марказий стати-
стика бошқармаси бошлиғи ўринбосари географ О.Ю. Шмидт, етакчи
математик, профессор Е.Ф. Розмирович, Ишчи-дехқонлар инспекцияси
Коллегияси аъзоси, врач-хирург Е.М. Россельс бўлдилар¹⁶. Мазкур маҳ-
сус гурух жойларда рекогносцировка, чиқиш қийин бўлган довонларда
разведка ишиларини амалга ошириди. Музлик ва баландлик босиб ўтила-
диган йўлларда юриш вақтида экспедиция отрядига ёрдам берди. Ўша
вақтнинг ўзида совет альпинистлари гурухи мустақил илмий-географик
вазифа олдилар: Танимас ва Кўшалоёқ довонларини топиш ва тадқиқ
етиш, тоғларда жойлашган географик обьектларни қайд этиш мақсадида
Олой орти Помири чиқиши қийин бўлган баланд тоғ вилоятларини кесиб
ўтиш, музликлар чўзилган дарёнинг юкори этакларини, мавжуд довон-
ларни аниклаш.

Экспедициянинг таъминоти ва таркиби амалга оширилган ишилар-
нинг кўлами тўғрисида гувохлик беради. Бунда 107 нафар киши ишти-
рок этди. Маҳаллий аҳолидан ишчилар – йўл бошловчилар, юқ ташувчи-
лар, карвончилар ва бошқалар ёрдамчи ходимлар сифатида жалб этилди.
Экспедиция карвони қарийиб 200 та отни ташкил этиди¹⁷. Экспедиция
географик йўналишни ўзида акс эттириди: у Помир минтақасининг одам
оёғи етиши қийин бўлган жойларида тадқиқот ишиларини амалга ошири-
ши зарур эди. Ёзгулем, Ванч ва Гармо дарёлари юкори кисмидан мазкур
вилоятларни ажратиб турувчи Зулум-Арт ва Селтоу тизмасининг гарби-
га туташ меридионал тизмасини ўрганиш¹⁸, тадқиқ этилмаган барча ви-
лоятларни босиб ўтиш ва ҳақиқатда мавжуд тоғ чўққилари, музликлар-

¹⁶ Дорофеев И.Г. На заоблачных высотах. М.: Мысль, 1976. 11–14-бетлар.

¹⁷ Памирская экспедиция 1928 г. Л., 1929. 9-бет.

¹⁸ Экспедиционная деятельность АН СССР и ее задачи. Л., 1929. 9-бет.

ни харитага аниқ қайд килиш; тадқиқ этилаётган районларни ғарбдан шарққа, ва шимолдан жанубга кесиб ўтишга имкон берадиган довонларни топиш, ва ниҳоят Фанлар академияси тизмаси этакларида яшовчи ёввойи қабилалар ҳақидаги афсоналарни пучга чикаришни мўлжаллади¹⁹. Экспедиция олдида 5–6 минг метр баландлиқда кенг кўламда географик, геодезик, зоологик ва картографик ишларни бажариш турди. Экспедиция жўнатилган районлар кам тадқиқ этилган ҳудудлар сирасига кираар эди. Гарчи мазкур ҳудудларга бунга қадар саёҳатчилар ва тадқиқотчилар келган бўлишларига қарамасдан, улар Помирнинг географик харитасидаги оқ доғларни охирига қадар йўқотишига муваффақ бўлмадилар.

Умумий майдони 61 минг км. бўлган Шимолий Танимас музлигининг очилиши экспедициянинг география соҳасидаги илмий натижалари бўлди. И.Г. Дорофеевнинг гурухи бунинг батафсил тавсифини қайд этди. 20 км узунликдаги илгари номаълум Коммунарлар тизмаси ўрганилди. Унинг энг юкори нуктаси дengiz сатҳидан 5500 м.га етди²⁰.

Қоракўл ва Танимас дарёси юкори соҳилларини тадқиқ этиш жараённида янги картографик материаллар тузилди. Экспедиция Танимас дарёси водийси этакларига тушиб борувчи музликни тадқиқ килиши натижасида, бу Федченко музлиги эканлигини аниклади. Музликнинг координатлари ва унинг ўлчамлари белгиланди, тавсифини қайд этиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, Фанлар академияси музликнинг координатларини аниклади.

Ёзгулем дарёси юқориси ўрганилиши натижасида мазкур туманинг топографик харитаси тузилди ва жойнинг географик тавсифи амалга оширилди²¹. Қора-Жилға дарёси ҳавзаси тадқиқ этилди ва Зулум-Арт меридионал сув айирғич ўрганилди. Оқ-Жилға, Кўл-айрак, Кокуй-бил сув дарёларининг дengiz сатҳидан баландлиги аникланди ва улар ўртасида сув айирғич линияси ўрнатилди²². Экспедиция катнашчилари тадқиқ этилаётган районда аниқ маҳсус ўлчаш асбоблари ва фотометрик тасвирга олиш ишларини олиб бориб, кенг музлик билан копланган янги ҳудудларни аниклади²³. Ғарбий Помирда картографик, гляциологик, метеорологик ишлар ва аэрологик кузатувлар кам ўрганилган мазкур тоғли ҳудудда географик тадқиқотларда катта аҳамият касб этди.

¹⁹ Крыленко Н.В., Щербаков Д.И., Марков К.К. Экспедиция 1928 г. // Пять лет по Памиру. Л., 1935. 8-бет.

²⁰ Дорофеев И.Г. На заоблачных высотах. М.: Мысль, 1976. Б. 3–8-бетлар.

²¹ Ўша жода. 146-бет.

²² Памирская экспедиция 1928 г. Л., 1929. Вып. I. 28-бет.

²³ Бюллетень САГУ. 1929. Вып. 18. 173–174-бетлар.

Экспедиция натижасида Олой тизмалари ва Помирда фойдали қазилмалар ва геохимия бўйича хусусан, сурма, симоб, нефелитли сиенит (англ. nepheline syenite) ҳақида янги маълумотлар олинди²⁴. Экспедиция гидрологик ишлар бўйича катта меҳнатни амалга ошириди. “Гидрологик масалаларни, жумладан, Ўрта Осиёда ўзига хос гидрологик аҳамият касб этган ва ўлкада кўпгина дарёларнинг таъминот манбаи ҳисобланган Помир ва унинг кўллари Қоракўл, Шаркўл, Рангўл сув энергетик ресурслари масалаларини ҳал этиш билан қаторда, музликтан иборат бўлган ҳудудларни тадқиқ этишга ҳам катта аҳамият берилди. Мазкур муносабатда шу вактга қадар мутлақо ўрганилмаган музлик билан қопланган ҳудудлар тадқиқ этилиб, катта натижалар қўлга киритилди”²⁵. Алоҳида маҳсус гурух томонидан метеорологияяга оид тадқиқот ишлари амалга оширилди²⁶. Шунингдек, энтомологик²⁷, ботаник-уругчилигига ва зоологияяга оид бой материаллар тўпланди²⁸.

1929 йил 3 майда экспедициянинг совет кисми бошлиғи Н. Горбуновнинг Рус географик жамияти президенти Ю.М. Шокальскийга йўллаган хатида баён килинганидек, Помирда аникланган янги чўқкилар ва музлик билан қопланган ҳудудларга совет гурухининг таклифига биноан, Рус географик жамияти томонидан тасдикланган номлар берилди (ўша давр большевиклар партияси етакчи фаолларининг номларини бериш анъана тусиға кирганди) Олой орти тизмаси: Олой орти тизмаси тизимида Октябрь тоғ чўқкиси, Қизил-ага ғарбий чўқкиси, Яков Свердлов чўқкиси; Архар чўқкиси, Чегарачилар чўқкиси; “Шарқ шафаки” чўқкиси; Красин тоғи; Жержинский тоғи; Цюрупа тоғи; Ленин ва Қизил-ага чўқкилари орасидаги Баррикада тизмаси; Жанайдер бошида – Корженевский музлик билан қопланган ҳудудлари. Қоражилга дарё ҳавзаси жойлашган Олой орти тизмалари жанубий ёнбағирлари: Володарский чўқкиси, Володарский музликлари, Вера Слуцкая чўқкиси, Урицкий чўқкиси, Коммунарлар тизмаси²⁹. Федченко музлиги ҳудудларида 10 дан ортиқ музликларга янги географик номлар берилди. Жумладан, Фанлар академияси музлиги, Витковский музлиги ва бошқалар. Экспедиция му-

²⁴ Памирская экспедиция 1930 г. Л., 1932. Вып. I. 1-бет.

²⁵ Симонов Н. Гидрологические исследования Академии наук // Вестник АН СССР. 1933. № 5. 9-бет.

²⁶ Қаранг: Метеорология гурухи фаолияти натижалари: СПБФАРАН. 138-фонд. I-1928-рўйхат. 174-йигма жилд. 115–124-вараклар.

²⁷ СПБФАРАН. 138-фонд. I-1928-рўйхат. 174-йигма жилд. 164–166об-вараклар.

²⁸ СПБФАРАН. 138-фонд. I-1928-рўйхат. 174-йигма жилд. 138–139-вараклар.

²⁹ СПБФАРАН. 138-фонд. I-1928-рўйхат. 174-йигма жилд. 52–60-вараклар.

таксислари мазкур янги номланишларга батафсил координатга оид тавсифлар бердилар.

Гарбий Помирнинг барча тадқик этилмаган худудлари³⁰ экспедиция томонидан батафсил режага олинди: Ўрта Осиё музлик худудларининг ўша вақтларда энг мукаммал ҳисобланган, йирик масштабдаги харитаси тузилди. Музлик билан копланган худудларнинг батафсил тадқик этилиши олимларга иқлимшуносликка оид муҳим муаммоларни ўргага ташлашга, иккита кескин континентал худудлар ва дашт иқлими ўртасида кенг кўламдаги қор ва музларнинг сакланиши ҳамда пайдо бўлиш сабабларини тушунтириш имконини берди³¹.

Бундан ташқари, “Москванинг қатъий талабига биноан” экспедицияда мазкур кўламдаги ишларда биринчи маротаба кинооператорлар ҳам иштирок этди. Владимир Адольфович Шнейдер гурух ишларини бошкарди. Оператор ишларини Илья Моисеевич Толчан амалга ошириди. Экспедициянинг кино кисми ҳисоботига кўра: “1) Экспедиция тадқик этган худудлари ва силжишининг барча йўллари тасвирга олинди. 2) Экспедиция томонидан чўкки, музлик ва довонларнинг топилиши тасвирга олинди. 3) Геодезистлар, метеорологлар, чатиштириш бўйича тажрибалар, алъяннистлар, зоологлар, овчилар, биологлар ва бошка гурӯҳларнинг ишлари тасвирга олинди. 4) Лагер, карвон ва ҳакозоларни тайёрлаш ишлари тасвирга олинди. 5) Тоққа чикиш, йўл саргузаштлари ва кийинчиликлари, қатор баҳтсиз ҳодисалар, овчилик лаҳзалари, барча иштирокчилар ва х.к. тасвирга олинди. Бундан ташқари, тоғли қирғизларнинг кундалик турмуши..., жойларнинг бир қатор кўриниши ва х.к. тасвирга олинди. 8000 мт негатив материал., 1000 мтдан кўпроқ фото тасвирга олинди”³².

Шунингдек, 20 та пунктда геомагнитик тавсифлар қилинди³³.

“1928 йилда СССР Фанлар академияси Помир экспедициясининг совет гурухи томонидан амалга оширилган ишлари тўғрисидаги қисқача дастлабки ҳисоботи”да экспедиция ишларининг асосий натижалари қайд этилган. Булар орасида 50 барометрлик пунктларнинг аникланиши, Олой орти тизмасида янги музликнинг очилиши ва тавсифи, водийнинг қадимги музлик қатламлари тадқик этилганлигини санаб ўтиш мумкин. Инструментал (мензульнай) ва полуинструментал тавсирга олиш ёрдамида тадқик этилмаган худудларнинг бир неча минг квадрат кило-

³⁰ Гармо чўккиси худуди Шимолий-Гарбий кисмидан ташқари.

³¹ Памирская экспедиция 1928 г. Л., 1929. 99-бет.

³² СПБФАРАН. 138-фонд. 1-1928-рўйхат. 174-йиғма жилд. 86-88-вараклар.

³³ СПБФАРАН. 138-фонд. 1-1928-рўйхат. 174-йиғма жилд. 89-варак.

метр майдони планга олинди. Қора-жилға дарёси ва унинг ирмоқларини планга олиниши мутлақо янги картографик материаллар бериб, “мазкур районнинг илгариги картасини ўзгартириди”. Учта янги музлик топилган, Оқ жилға дарёсининг юқори оқимида биринчи марта планга олиш ишлари олиб борилди. Абду-кагордан Федченко ва Академия музликларига етакловчи Кашал-оёқ, Танимас ва янги довонлардан ilk маротаба ошиб ўтилди. Федченко музлиги этакларида иккита янги катта музликлар топилди. Астроном Беляев Яков Иванович томонидан 9 та астрономик пунктлар аникланиб, маршрут бўйлаб планга олинди ва карта хатоларни бартараф килиш бўйича материаллар тўпланди ва бошқалар³⁴.

1928 йил совет-герман экспедицияси СССР ФАнинг иирик халқаро экспедицияларидан бири бўлиб, совет ва немис олимларининг ижобий фикрларига сазовор бўлди. Экспедициянинг немис гурухи бошлиғи, профессор В. Рикмерс шундай ёзади: “Помир-Олойга саёҳатнинг илмий натижалари немис олимлари сингари, рус қатнашчилари учун ҳам шарапли давр бўлди...”³⁵.

1928 йил Помир экспедицияси тадқиқотлари ва илгари олиб борилган дастлабки кидирав ишлари Тоҷикистоннинг ва унинг ажralиб туродиган кисми – мустақил табиий географик вилоят деб тан олинган Помирнинг табиий-тарихий ўрни ва географик тавсифини кайд этишга ёрдам берди. Географик тадқиқотларни олиб боришда зоналашган-регионал йўналиш етакчи услублардан бўлди.

1928 йилнинг ёзида Тоҷикистонда профессор Е.Н. Павловский бошлиғига, республикада инсон паразитар касалликларининг айрим ўчокларини ўрганган паразитологик экспедиция иш олиб борди³⁶.

Мустақил табиий-географик вилоят бўлган Помир, кам ўрганилганлиги боис, 1920-йилларнинг охирида илмий-тадқиқот экспедицияси учун тадқиқот марказига айланди. Помир худуди машхур тадқиқотчиларни ўзига хос географик жойлашуви билан эмас, балки ўзининг қимматбаҳо бойликларининг мавжудлиги билан жалб этди.

1928 йилнинг ноябрь ойида Помир совет-герман экспедицияси ишлари якунидан сўнг, СССР Фанлар академияси президиуми экспедиция бошликлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда Помирда дала

³⁴ СПБФАРАН. 138-фонд. 1-1928-рўйхат. 174-йигма жилд. 90–97об-вараклар.

³⁵ Цитатада бўйича: Иоффе А.К. Международные связи советской науки, техники и культуры. 1917–1932 гг. М., 1975. 269-бет.

³⁶ Животные паразиты и некоторые паразитарные болезни человека в Таджикистане / Сб. статей. Л., 1929. 208-бет.

тадқиқотларини давом эттириш назарда тутилди³⁷. 1929 йилда экспедицияни олиб бориш учун 23 минг рубль ажратилди.

1929 йилда Помир экспедицияси СССР Геология кўмитаси ва Пролетар туризм жамияти томонидан ташкил этилди. Геологик тадқиқот гурухини геолог Д.В. Никитин бошқарди; топографик ишларини И.П. Герасимов амалга ошириди; А. Поляков ва С. Гонецкийлар Н.В. Крыленко томонидан бошқарилаётган альпинистлар гурухи таркибига кирди³⁸. Экспедиция қатнашчиларини шарқдан Фанлар академияси тизмаси ва шимолдан Буюк Пётр тизмаси, жанубдан Ванч дарёси оралиғидаги тадқиқ этилмай қолган районлар ўзига жалб қилди. Айнан мазкур жойларда Гармо чўққиси ва бошқа ўрганилмаган тоғ чўққилари юксалиб турарди. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, олtingа бой бу жойда Гармо-Хингуу дарёлари оқиб ўтади. Экспедиция Фанлар академияси, Дарвозд, Петр I энг катта Помир тизмалари марказ сифатида туташувчи Гармо узелини расшифровка қилиш муаммоларини ўртага ташлади.

Экспедиция фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи СССР ФА СССР табиий ишлаб чиқарувчи кучларни тадқиқ қилиш комиссияси “мамлакатда табиий бойликларни экспериментал-лабораторияга оид ўрганиш ва уларни қўллаш шароитлари ҳамда ўз кучи ёрдамида ёки бошқа муассасалар билан ҳамкорликда уларни жойида кенгроқ тадқиқ этиш имкониятлари” масаласини ҳал қилди³⁹. Мазкур илмий фаолият принциплари Тожикистон географик харитасидаги “оқ доғларга” барҳам бериш билан шуғулланган, Тожикистонда иш олиб борган СССР ФА экспедициясининг асоси бўлди. Тожикистон АССР ҳукумати етарлича кенг кўламдаги илмий ишларни амалга оширишга ва ташкил этишга маблағи ҳамда ўз кучига эга эмас эди. XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмida, большевиклар сиёсати ва фуқаролик уруши натижасида очарчилик ва вайронагарчиликнинг удласидан чиқкан, асосан, халқ хўжалигини тиклаган Иттифоқ маҳкамалари мамлакатнинг йирик минтақаларида ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганишда фаол иштирок этиш имкониятини кўлга киритди.

Тожикистон худудида амалга оширилган экспедиция асосан геологик ва географик йўналишларда ишлар олиб борди. Улар фойдали қазилмаларни рекогносцировка қидириш ишлари билан шуғулландилар.

³⁷ Памирская экспедиция 1930 г. Л., 1932. Вып. 1. 1-бет.

³⁸ Крыленко Н.В. Экспедиция 1929 г. // Пять лет по Памиру. Л.: АН СССР, 1935. 25-бет.

³⁹ Отчет деятельности АН СССР за 1929 г. Л.: АН СССР, 1930. 254-бет.

1928 йил совет-герман экспедицияси Помир тоғ тизмалари умумий тузилиши масаласини ҳал этиш учун дастлабки харитани тақдим этди. Унинг картографлари Помирнинг шарқий ва жанубий қисми музлик билан копланган вилоятларини камраб олган, Помирнинг илк аниқ харитасини тузиб чиқдилар. Баландлиги 7450 м этиб белгиланган Гармо чўйкиси харитада қайд этилди. Совет-герман экспедицияси ишлари 1929 ва 1930 йилларда Помир экспедицияси сифатида давом этди.

Тожикистонни тадқиқ этишда СССР ФА билан бир қаторда, СССР Геология қўмитаси, Ўрта Осиё давлат университети ва бошқа марказий ҳамда минтақавий муассасалар иштирок этди. Олиб борилган геологик, геохимик, ботаник паразитологик ва бошқа тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, Тожикистон ишлаб чиқариш кучларини комплекс ўрганиш ва йирик назарий муаммоларни ҳал этиш учун истиқболли объектлигини исботлади.

Совет-герман экспедицияси XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида минтақани ўрганишда мухим рол ўйнади. Мазкур экспедиция ўз олдига кўйилган барча мақсадларга эришиб, муваффакиятли якунланди. Помир харитасида “тадқиқ этилмаган доғлар” анчагина камайди. 1933 йилга келиб бу “оқ доғларга” барҳам берилди. Мазкур экспедиция кейинги экспедициялар учун назарий ва услубий жиҳатдан ижобий асос бўлди. Шуни қайд этиш лозимки, совет-герман экспедицияси ихтиёрига маҳсус тайёрланган асбоб-анжомлар билан бирга тогли ва аёзли районлар учун мўлжалланган чодирлар, кийим-кечаклар, пойабзаллар ва экспедиция учун зарур турли-туман бошқа анжомлар билан тўлдирилган 29 та вагон юқ келтирилди. 1928 йил ноябрь ойида экспедиция якунланганидан сўнг буларнинг барчаси СССР ФА ихтиёрига ўтди. Асбоб-ускуналар эса, 1937 йилга кадар кейинги экспедициялар учун муваффакиятли тадбик этилди.

Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг совет-герман экспедицияси натижалари мутлако бошқача аҳамият касб этди. Бу энг аввало, умумиттифоқ ва минтақалараро иқтисодий ҳамкорлик механизмига асосланувчи СССРнинг кулаши, режали иқтисодиёт ва Совет Иттифоқи ягона ҳалқ хўжалигининг барҳам топиши билан боғлиқ эди. Мазкур ишлаб чиқариш механизmlари доирасига, барча мамлакатлар миқёсида энг сўнгтида берадиган маҳсулот бирлиги хисобида энг кам сарф фарқ қиласидан минерал хом-ашёлар, ва металл рудалар киради. Натижада, Тожикистонда совет-герман экспедицияси томонидан топилган минералларнинг кўпчилиги иқтисодий айланишга жалб этилмади, уларнинг кони келгусидаги геологик разведка ва лойиха-қидириш ишларининг объектига ай-

ланмади. Бу эҳтимол ер ости бойликларини қазиб олиш сарфининг юқорилиги ва тоғ-геологик шароитларининг мураккаблиги билан боғлик. Эндиликда, шиддатли фойдаланиш оқибатида илгари самарали ва қулай минерал хом-ашё конлар ресурслари тамом бўлди. Бундан ташкари, мураккаб тоғ-геологик шароитларида хам ер ости бойликларини қазиб олишининг иқтисодий самарадорлигини оширувчи янги технологиялар пайдо бўлди. Илгари фойдаланилмаган минерал хом-ашё турларининг аксарияти илм-фан тараққиётига татбиқ қилина бошланди. Шундай килиб, Шарқий Помирда топилган тош селитра баланд тоғ яйловларининг унумдорлигини ошириш учун самарали фойдаланиб келинди.

Шунингдек, бу самарадорлик курилиш максадида ранг-баранг диорит, ёкут, кумтош, оҳакнинг фойдаланишига ҳам тегишли. Помирда, айниқса, ичкариликдаги районларида бир м² силликланган тоштахта нархи жаҳон бозорида 50 АҚШ долларидан то 150 долларгача ўзгариб турувчи «Galaxy» номи билан машҳур бўлган, ора-сира олтин ва кумуш зарралари билан майда донали қора рангли ёкут кони жойлашган. Тағин, кизил ёкут, яшил гранитдиорит ва мармар оҳактошлар ҳам жаҳон бозорида машҳур.

Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 9–10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифидан сўнг, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ҳамкорлигининг чукурлашуви, келгусида помир минтақаси ер ости бойликларини иккала давлат ҳамкорликда ишлаб чиқаришини ўйлга кўйилишига, мамлакатлар ўргасида ҳамкорликнинг яна бир жиҳати вужудга келишига сабаб бўлса ажаб эмас.

Н. КЕНЖАЕВА

ПОМИР ЭКСПЕДИЦИЯСИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ (1924–1929 ЙИЛЛАР)

Мазкур мақолада 1924–1929 йиллар даври мобайнинда Помирда амалга оширилган илмий экспедициялар фаолияти ва ўрганилиши муаммолари кўриб чиқилган. Экспедиция иштирокчиларининг нашрлари асосида экспедиция ташкил этилишининг дастлабки шарт-шароитлари, иштирокчиларнинг қийинчиликларга дуч келганлиги ва номлари келтириб ўтилган. Шунингдек, худудни ўрганиш босқичлари, олинган натижаларининг буғунги кундаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Помир, Тожикистон, Ўрта Осиё, Германия, экспедиция, геология, география, топография, гляциология, картография, СССР ФА, САГУ, СССР Геология қўмитаси, Халқ комиссарлар кенгаши, тадқиқот, тоғлар.

Н. КЕНЖАЕВА

НАЧАЛЬНЫЙ ЭТАП РАЗВИТИЯ ЭКСПЕДИЦИОННЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ПАМИРЕ (1924–1929 ГОДЫ)

В статье рассмотрены проблемы изучения и деятельности научных экспедиций на Памире в период с 1924 по 1929 г. На основе публикаций участников экспедиций показаны причины отправки экспедиций, трудности, с которыми они сталкивались, приведены данные об именах участников. Также показаны этапы изучения региона, какие были получены результаты и их значение для современности.

N. KENJAEVA

**THE INITIAL STAGE OF DEVELOPMENT OF EXPEDITION'S
RESEARCHES IN THE PAMIRS (1924–1929)**

The article considerate the problems of studying and activities of scientific expeditions to the Pamirs in the period from 1924–1929. Basing on the publications of the participants' expeditions there have been shown the preconditions of sending the expeditions, the difficulties they faced, there have been given the names of participants. It has been shed the light on the stages of region's study, accepted results and their significance for the present day.

Узб 23500 с.

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2019. № 2